



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: adabiyot@olam.uz 2013-yil 25-yanvar • №4 (4195)

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ ҲАМ!

Янги йил бошида бутун дунёни ҳайратга солган, биз учун эса фахр ва гурур бағишлаган хушxabар тарқалди. Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган "Инссад" халқаро бизнес мактабининг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган 2012 йилги "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузаси эълон қилинди. Унга кўра дунёнинг 141 мамлакатидagi инновацион тараққиётга доир таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича Ўзбекистон иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Бу, аввало, Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган, дунёда ўхшаш йўқ «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга, эл-юрт қорига ярайдиган, Ватанимизга, халқимизга садоқатли авлодни тарбиялаш жараёни изчил такомиллашиб бораётгани самарасидир. Хусусан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасидаги кенг қўламли тадбирлар — Зулфия номидаги Давлат ва "Нихол" мукофотларининг таъсис этилгани, шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фонди ташкил қилингани ҳамда турли кўрик-танловлар орқали истеъдодли ижодкорлар, санъаткорлар сараланиб, рағбатлантириб келинаётгани, шубҳасиз, ёшларимизни янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

Натижада ҳаётимизнинг барча жаҳаларида, жумладан, илм ва ижодда, спорт соҳасида эл-юртимиз доғруғига доғруқ қўшаётган, халқаро фан олимпиадаларида юксак марраларга эришган ва изланишларини муттасил давом эттираётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир.

Газетамизнинг ушбу сонидa маданият, адабиёт ва санъат соҳасида фаолият юритаётган ана шундай ёшларнинг бир гуруҳига сўз беришга қарор қилдик. Таъкидлаш жоизки, қаҳрамонлар ҳам, муаллимлар ҳам ёшлар.

Бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир. Бу — Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Ислом КАРИМОВ



Сардор Муллажонов олган сурат.

Дунёнинг афсонавий грoссмейстери, буюк шахматчи Гарри Каспаров ўзбекистонлик жажжи жаҳон чемпионига бош совринни тақдим этаркан, атрофдаги мусобақа ташкилотчилари, томошабинлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларига савол оҳангида назар солди. Унинг нигоҳларида шундай сўроқ зоҳир эди: "Сиз саккиз ёшингизда нималар билан банд бўлганингизни эслай оласизми?".

САККИЗИДА НОМ ТАРАТГАН НОДИРБЕК

Атоқли шоир Махтумқули "Саккизимда тишим тушган кунларим", деб ёзганидек, кўпчилик нари борса шунга ўхшаш воқеаларни эслаши ҳам мумкин. Дарвоқе, ўн учинчи жаҳон чемпиони Гарри Каспаровнинг ўзи бу ёшда шахматни дустурига уйнаса ҳам, Нодирбек қўлга киритган ютуққа эришмаганди. Очиғи, болалик ёшида факулдодда натижаларни қўлга киритиш чинакам истеъдод соҳибларига хос. Бу борада Парвардигор ноёб иқтидор ато этган миллат фарзандлари эканимиздан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Маълумотларга қараганда, Абу Али ибн Сино тўққиз ёшида Курьони қаримни тўлиқ ёдлаб олган экан. Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий беш-олти ёшида Фаридиддин Атторнинг "Мантик ут-тайр" асарини ёддан айтиб юргани тарихдан

маълум. Абу Райҳон Беруний ўсмирлик чоғидаёқ илк астрономик кузатишларга қўл урган, Форобий болалигидаёқ бир неча тилни мукамал билган, Заҳириддин Бобур 12 ёшга тўлмай юрт бошқарган...

Тўрт ярим ёшидан буён шахмат ўй-хаёллари билан яшаб келаётган Нодирбекнинг томирларида ҳам ана шу буюк боболаримизнинг қони оқаётганига шубҳа йўқ. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 152-мактабнинг иккинчи синфидa ўқиётган бу йигитчани бугун дунё шахмат мухлислари жуда яхши танийди. У саккиз ёшида Словениянинг Марибор шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган дунё биринчилигида жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди!

Давоми олтинчи саҳифада.

БИР ЎЛКАКИ, ГАВҲАР КАБИ ЯРАШИҚ

Тадбиркор ёшларимиз иш тажрибаси билан таниниш, ўзарo малака алмашиш мақсадида Италиядан ташриф буюрган мутахассис Марко Бифф Самарқанд шаҳридаги бунёдкорлик ишларини кўриб, «Қойил, ободлик мана бунақа бўпти-да!», деганини ўз қўлоғим билан эшитганман. Тагин у «Сам Антеп гилам» кўшма корхонаси қошидаги «Бионур» тиббий марказига ташриф буюргач, «Аввало худо асрасин, аммо оғриб қолсам фақат мана шу ерга келиб даволанаман», дегани ҳам эсимда. Очиғи, ўшанда бу эътирофдан бир мен эмас, тадбирда иштирок этаётган барчамиз бениҳоя мамнун бўлдик.

Дарҳақиқат, илгарилари кўҳна шаҳримизга ташриф буюрган хорихлик меҳмонлар тарихий обидаларни кўришга ошиқар эди. Эндиликда улар биздаги бунёдкорлик, яратувчанлик, интеллектуал тараққиёт бора-сидаги ютуқларни кўриб, ўзлариники билан таққослаб хулоса чиқаришяпти, эътироф этишяпти. Ўзимиз ҳам радио, телевизор, интернет орқали, дунё аҳолидан хабардор бўлиб, бу эътирофлар ҳақ эканига амин бўлиб турибмиз.

Дарҳақиқат, ер юзининг сайқали, деб ном олган Самарқанд мустақиллик даврида тамомила янгича қиёфа касб этди. Чирой очган кўҳна обидалар кечаю кундуз

зиёратчилар билан гавжум. Эндиликда уларни Мирзо Улуғбек, Даҳбед, Бўстонсарой, Тошкент кўчалари, Регистон майдони атрофидаги "Йўлбарслар хиёбони"да ҳам тез-тез учратиш мумкин. Ховли тўйларини ўтказаятган минглаб янги хонадонлар, коллеж, мактаб, лицей, мусика мактаблари, меҳмонхоналар Ўзбекистон деган шохисўзанининг гўзал, бетакрор нақшларига айланиб бормоқда.

Яқинда тахририятимизга Самин ота Имомов деган отахон илтимос билан келди:

Давоми иккинчи саҳифада.



МОХИР СКРИПКАЧИ

Истиқлол фарзандлари

Айтишларича, ҳар бир даврнинг ўз адабиётшунослари ва ижодкорлари бир вақтда кириб келар экан. Шоҳидимизки, бугун ҳам ижод майдонига кириб келаётган ёш ёзувчи, шоирларнинг, таржи-

мон ва адабиётшуносларнинг янги авлоди бўй кўрсатаётир. Уларнинг айримлари устозларнинг, адабиёт мухлисларининг назарига туша бошлади.

ИСТЕЪДОД, ИШОНЧ, ИМКОНИЯТ БОР, АММО...

Беҳзод Фазлиддин, Ойдиннисо, Носиржон Жўраев, Адиба Умирова, Ойгул Асилбек қизи, Азизбек Турдиев, Муҳиддин Абдусамат, Олимжон Жўраев сингари ёшлар шеърларида, Шодмонкул Салом, Муяссар Тиловова, Дилрабо Мингбоева, Жасур Кенжаев ҳикояларида рамзлар ва оҳанглар уйғунлиги, характер яратиш йўлидаги ўқувли интилишлар эътиборга лойиқ. Уларнинг айримлари ҳам наср, ҳам назмда бирдек дадил

қалам тебратаётгани янада завқли. Муҳайё Йўлдошева, Икбол Қўшшаева, Зулхумор Мирзаева, Фаррухбек Олим каби адабиётшунос ва публицистларимиз ҳам давр руҳини ҳис қилиб, ана шу руҳий ҳолат ва кайфиятни асарларида очиб бериш билан бирга, янги бир бадийий-эстетик мезонларга интилаётганларини кўраимиз.

Давоми иккинчи саҳифада.

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 29 январ сешанба куни соат 14.30да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Драматургия кенгашининг "Ёш драматург" семинар-машғулотлари бўлиб ўтади. Театр ва кино драматургияси ихлосмандлари ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

30 январ чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърят" тўғрагининг навбатдаги йиғилиши бўлади. Барча қизиққанларни таклиф қиламиз.

Манзила: "Ўзбекистон" кўчаси, 16-А уй, 6-қават. Ёзувчилар уюшмаси.

Шеърый паҳза УЛУҒ СЎЗ

Чап кўксимни бир олов Ёқиб келаверади. Мен шеър десам, сўзларим Оқиб келаверади.

Арслон каби юрагим Ерга сиғмас, бобожон, Ватан деган ҳиссиёт Шеърга сиғмас, бобожон.

Қайга борсам, сув тутган Анҳорларим бор менинг. Йўлларимга кўз тиккан Баҳорларим бор менинг.

Болаликка қайтолмам, Йиллар яқин, йўл йироқ. Юрагимда чалинар Севги деган кўнғироқ.

Вужудимни титратган Сизгини ёқиб бўлмас. Ватанин ёзолмасдан Севгини ёзиб бўлмас.

Ватан деган улуг сўз Қоғозга сиғмас экан. Кўксинг тўлиб хайқирсанг, Овозга сиғмас экан.

Ватан меҳрин кўксимга Қуйиб қўйдим, бобожон. Унинг номин юракка Ўйиб қўйдим, бобожон!

Кумуш ЎСАРОВА



Отан тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлгани сабабли, илм айниқса, тил ўрганишга иштиёқим оилада шакллانган. Орау — қишлоқ боласининг энг сирли ва ҳақиқий эркинлигини ҳис қиладиган мамлакат. Умри давомида ҳамма ҳар хил восита билан унга етишиш учун интилади. Оилада 6 ўғилни ўқитиш отам учун яшашнинг мазмуни эди. Бу ҳолат қарийб барча ота-оналарга хос хусусият бўлса керак. Отам яхши одам бўлиш учун, албатта, тинмай ўқишни зарурлигини ўқитар, илм қонга сингиб кетиши зарур, дерди. Мен отамнинг айтганларига амал қилишга интидим. Бироқ уни қай даражада эпладим, билмайман.

Мақтаб ва лицейда рус, немис, инглиз, турк тилларини ўргандим. 2001 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. У ерда устозлардан халқаро муносабатлар йўналиши бўйича сабоқ олдим.

Устозим Иброҳим Мавлонов раҳбарлигида “Ҳозирги замон халқаро муносабатларида интеграция жараёнларининг моҳияти ва истикболлари” мавзусида бакалаврлик малакавий битирув диплом ишини ёздим. Магистрлик тадқиқотида бу мавзунини кишилик жамияти ривожига аниқ қонуниятлар асосида ўзига хос умумийлик ва яқинлашув жараёнини бошлаб берган Европа Иттифоқи (ЕИ) фаолиятини ўрганиш орқали давом эттирдим.

Кўпчилик мутахассислар фикрича, фан-техника тараққиёти, дунёда бозор иқтисодиётининг тўхтовсиз ўсиб бориши, алоқа тармоқларнинг такомиллашуви, ахборотлар оқимининг мисли кўрилмаган тарзда кўчиши натижасида дунё халқлари тобора ўзаро яқинлашиб, уларнинг ҳаётида умумий жиҳатлар тез сурьатлар билан кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Бу фикрга биз ҳам қўшилишимиз. Бироқ бу жараённинг ижобий томонлари бўлганидек, салбий тарафлари

ҳам бор. Қайсидир давлат ниҳоятда ривожланиб бораётган бўлса, айрим давлатлар оғир сиёсий ва иқтисодий таназзул жараёнларини бошдан кечир-

ШАРҚ ВА ФАРБ ОРАСИДА

моқда. Ўртасида жиддий келишмовчилик ва ҳатто душманлик мавजूд бўлган давлатлар ҳам бор. Улар ўртасида Европа Иттифоқига ўхшаш яқинлашув ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Кишилик жамиятида содир бўлаётган умумий яқинлашув (интеграция) жараёнини шартли равишда икки турга ажратиш зарурдир. Биринчиси, онгли равишда ва муайян қонуниятларга таяниб, томонлар келишуви асосида амалга оширилади. Бунга Европа Иттифоқи фаолиятини мисол келтириш ўринлидир.

Биз кўзда тутаётган иккинчи турдаги умумий яқинлашув амалда мутлақо қатъий бошқарувсиз ўз-ўзича содир бўлади. Унинг хатарли жиҳатлари ҳам аслида шундадир. Бу жараёнда шундай қучлар пайдо бўлмоқдаки, улар жамиятдаги ҳали маънавий шакланмаган, ўз маданиятидан беҳабар, шахс сифатида етилиб улгурмаган тақалланган тоифани (кўпроқ ёшлар) ўз қонига осонгина тортиб кетмоқда.

Бу ҳолат жамиятнинг бугуни ва эртаси учун катта муаммолар келтириб чиқариши табиийдир. Иккинчи турдаги умумий яқинлашув биринчисига нисбатан

аниқ кенгдир ва ҳозирги аҳволда уни бирорта мамлакат четлаб ўта олмайди. Энди бу жараён, аввало, ўз миллий манфаатларимизни унутмаган ҳолда муносабатда бўлишимиз, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишимиз керак бўлади.

Мазкур ҳолатлар дунё халқлари ва давлатлари ўртасида кечаётган умумий яқинлашув жараёнини ҳушёрлик билан кузатиб бориш ва илмий ўрганиши тақозо этади.

Бу гаплар олдинги ишларим натижасида юзага келган хулосаларим эди. Ҳозир “Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий-дипломатик алоқалар (инглиз тилидаги адабиётлар асосида)” деб номланган мавзуда тадқиқотимни бошладим. Ишимга қўшлаб илмий мақолалар ва асарлар муаллифи, хитойшунослик соҳасининг билимдони, Марказий Осиё қавмлари тарихи ва халқаро муносабатларини ўрганиш бўйича катта таж-

рибага эга устоз Абдулаҳад Хўжаев раҳбарлик қилмоқда.

Тадқиқот мақсади Европа Иттифоқидаги ислохотлар ҳамда унинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан сиёсий ва иқтисодий муносабатларини ўрганишдан иборатдир. Мен мазкур иттифоқ томонидан тарғиб қилинаётган демократия ёки иш юришти андозасини тўғридан-тўғри қабул қилиш фикридан бутунлай йироқман. Лекин дунёнинг энг илғор саналган давлатлари жойлашган ҳудудда онгли равишда содир бўлаётган ўзаро умумий яқинлашувни ўрнак бўлишга арзидиган бир ижтимоий ҳодиса сифатида илмий тадқиқ этиш фақат фойда келтиради, деб ўйлайман. Бунинг устига Марказий Осиё давлатлари ва ЕИ ўртасидаги фаол ҳамкорлик бу икки минтақа ва ундаги давлатлар ҳаётига кўп жабҳаларда ўзаро ҳамжиҳатлик олиб келиши, иқтисодий, энергетика, жамият оқимининг, атроф-муҳит муҳофазаси масалалари; диний низолар, кўпуровчилик, уюшган жиноятчилик, ноқонуний афюн ва одам савдоси муаммоларини биргаликда самаралироқ ҳамда ижобий ҳал этишга ёрдам бериши мумкин.

Биз “илм қонига сингиб кетган” халқ вақилимиз. Бу ҳақиқатни, айниқса, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тадқиқот ишларини бошлаган кезларим, бу ерда аҳдоқдоримиз қолдирган минглаб қўлэмса асарлар ва улар устида олиб борилаётган ишларни кўриб чуқурроқ англадим. Ҳозир Шарқ ва Фарб ўртасида. Уларнинг ўзаро яқинлашуви қай тарзда кечилиши лозим? Шу саволга жавоб топиш билан бандим.

Шерзод ЗИЁЕВ

Дўконга ул-бул харид қилгани кирсам, касса ёнидан ёшгина қизалоқнинг бийрон овози эшитилди:

— Чек бермайсизми, амаки?
 Ҳисоб-китоб қилаётган сотувчи мийғида жилмайди:
 — Нега бермас эканман, албатта, берман. Фақат сен уни унингга боргунча йўқотиб қўйма, — дея тайинлади.
 — Ҳўп. Буни айтмасангиз ҳам биламан, — деди қизалоқ дўкондан чиқа туриб.
 Тўлов учун олдига борсам, сотувчи хижолатомуз гап бошлади:
 — Қаранг, ҳозирги ёш болалар одамни шошириб қўйишади. Хаёл билан бўлиб, чек беришни унутган эканман.

— Бир томондан шундай бўлгани ҳам яхши, — дедим қизалоқнинг ёнини олиб. — Ҳақ-ҳуқуқини таниб боради.
 Уйга қайтар эканман, ёшларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишидан севиным. Аслида ҳам демократик давлат қуришнинг бирламчи шарт аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксаклигида акс этади-да. Юксак ҳуқуқий савия демократик жамият пойдевори саналади.

Ҳуқуқий саводхонлиқнинг ҳаётимизда тугган ўрни ҳақида мулоҳаза юритганда, Президентимизнинг қуйидаги фикрларини кўп эслаймиз: “Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонуналарни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У — қонуналарга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани — турли мижозларни ҳал қилишда қонуналарга ҳилоф қилардан фойдаланишни рад этиш демакдир”.

Давр тақозосига кўра қонуналарга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, такомиллаштирилиб, либераллаштирилиб борилаётганда, ўз ўрнида фуқароларнинг мурожаатлари, даъво аризаларининг ҳам турли шакллари

учрамоқда. Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманларода судида бўлганимизда, бир шикоят тарихини эшитиб, рости, ажаблангандик. Унда фуқаро қўшнисининг уйи юзасидан даъво қилиб келди. Чунки баланд қурилган уйнинг ҳовлисига тушаётган қуёш нурига “тусиб қўлган”. Бунинг натижасида оила аъзолари саломатлигига пугур етётганини айтиб, уй қурилишини қайта кўриб чиқишни сўраган.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ деганда нимани тушунамиз?

Ариза эътиборсиз қолдирилмайди. Энг қизиғи, мутахассислар ушбу ҳолатни ўрганиб чиқишганида мурожаат асосли экани исботланган. Даъво қаноатлантирилиб, қўшнинг уй-жойи қайта қурилиши кераклиги тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган.

Хорижий мамлакатларда бу каби ҳодисалар балки табиий ҳолга айлангандир. Масалан, Сингапурда таъқиқланган жойда сигарета чекканингиз учун катта миқдорда жарима тўласангиз, Малайзияда пиёдалар учун осма кўприк бўлгани ҳолда машина катнон йўлини кесиб ўтсангиз, бир умрга сабоқ бўлгулик жарима тўлашга мажбур бўласиз.

Йўловчи тўла автобуснинг тўсатдан тўхташи ҳаёлимиз тўзғитиб юборди. Светофорнинг қизил чироғи ёнганга қарамадан қаршимиздан бошқа бир машина йўлни кесиб ўтганди. Йўловчилар ўзини ўнглаб олган, автобус ҳам сиргана-сиргана изига тушиб олди. Ғала-ғовур сал босилган бўлса ҳам босар-тусарини билмай қолган, на қонуналарга, на қизил чироққа парво қилмайдиган айрим ёшлардан нолишлар қўлоққа чалинарди.

Бир отахон “учар”ларнинг касрига 87 ёшида судга иши тушганини айтиб қолди. Ошнасининг илтимосига кўра набираси тенги йигитларга яхши қўнларга йиғиб қўйган пулидан 2 миллион 400 минг сўм қарз берган экан. Кўп ўтмай, яна келиб бир миллион

икки юз минг сўм олиб кетишибди. Икки ҳафтада қайтариб бериш тўғрисида тилхат ҳам ёзиб берган экан “азамат”лар.

Айтилган мuddатдан бир нечтаси ўтиб кетса ҳамки, пулдан дарак бўлмаган. Бобо насихат қилади, дўқ уради, наф бўлмайди. Тўй қуни белгиланган. Танишларидан қарз олади. Тўйдан кейин бир амаллаб яримдан қутулади. Қарз олган анаву шоввозлар эса янги очган тўйхоналаридан мўмайгина даромад келаятганга қарамадан бобони “унутиб” қўйишади.

— Ҳақиқат бор экан, — дейди йўловчи бобо. — Судга ариза билан мурожаат қилганим, бирпасда ундириб беришди.

Сўхбатни тинглаб эканман, қонуналарни пухта ўзлаштирган фуқаронинг қатъияти, ўз-ўзига ва хатти-ҳаракатларига ишончи ортиб боришига яна бир қарра амин бўлдим. Ишонч ҳиссидан мусову бўлган одам эса манкурт сингари ҳеч нарсадан тап тортмайди-кан кимсага айланиши турган гап. Билмак, ўз ҳуқуқларини тўлақонли англаб етган фуқаролар, одатда, бурчларини ҳам тўла тўлиқ адо этадилар. Ушбу муқоясанинг ўзиданок жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш қанчалар муҳим аҳамият касб этишини англаш қийин эмас.

Уйга етиб келганимда аллақачон қоронғу тушган эди. Одатдагидек эшик олдида бироз қутишимга тўғри келди. Бир ёш остонасида турган қизим онаси эшикни очиб кайтганига ҳарҳашани бошлаб юборди. Хотинимни қайфиятсиз алфозда кўриб хунобим ошди. Билсам, қишининг қаҳратон чилласи бўлишига қарамадан ижарада турган уйимизни бўшатилиш кераклигини айтиб кетишибди. Яна ёш боламиз билан...

Нима қиларни билмай турганимда, танишларимдан бирининг “Қонунга кўра, 1 апрелга қадар ижарадан чиқаришга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ”, деган гапи эсимга тушиб, енгил тордим. Бироқ бу қайси ҳужжатда баён қилинганини била олмадим.

Яхшиси, бунга эртага www.lex.uz сайтидан қидириб қўраман. Қолганини вақт кўрсатади.

Азиз НОРКУЛОВ

олишимизга кўмак бераётгани билан ҳам қувонарлиқдир. Бироқ баъзида ўйлаб қолман: ёш ижодкорларда истеъдод бор, ишонч бор, имконият бор, рағбат ҳам бор, аммо биз улардан тўғри фойдалана олаёلمизми?..

ИСТЕЪДОД, ИШОНЧ, ИМКОНИЯТ БОР, АММО...

Юрагинда дард бўлса шоирлик осон, дейишади. Гоҳида шу дард бизда етишмаётгандек. Тошқин сув эса тегирмончи бузиши ҳам, юргизishi ҳам мумкин. Баъзан шамол ҳам ўз йўлини йўқотади. Сой анча пастлаб, кенгликка чиқиб ўзини босиб олганидан кейин дарё бўлади, дейишади. Бу фикрлар ҳам, аслида, биз ёшларга қарата айтилган. Фақат истеъдод учунларининг ўзи билан узоққа бориб бўлмаслигини, олов ҳам ўчиб қолмаслиги учун ёгга муҳтож эканлигини тезроқ англашқас ўзимизга фойда. Демакки, истеъдод ҳам илмга эҳтиёж сезади.

Шу ўринда қузатувларим натижаси ўлароқ, яна бир фикрни келтирмоқчиман. Ёшларнинг матбуот орқали чиқишлари ёки китобларини юқори баҳолаш, аслида, ёмон эмас. Бироқ баҳо беришнинг маъқул йўсинини топиш ке-

БИР ЎЛКАКИ, ГАВҲАР КАБИ ЯРАШИҚ

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Болам, ўзи асли самарқандликман, тақдир тақозосига кўра, бошқа вилоятда яшайман. Ёшим саксонини қоралаб қолди. Кейсалик сабаб орада бир неча йил келолмаган эдим. Бугун ўзи она шаҳриمنى таниёлмай турибман..

Ҳамма ёқда ўзгариб, янгилашиб, ободончиллик. Кўчалар обод, саришта. Илтимосим шунки, бундай ажойиб ишларни амалга оширган, кўҳна ва навқирон шаҳримизни янада обод қилишга ҳисса қўшаётган ҳамшахарларга, бунёдкорлик ишларида иштирок этаётган барча инсонларга газета саҳифаси орқали менга ўхшашган миннатдор кишиларнинг саломини етказсангиз. Умрларидан барака топишим.

Биламан, кўпчиликка таниш сўзлар бу. Лекин мен ана шу отахон сиймосида ўзини умрбод эл-юрт тақдирига дахлдор деб билмайдиган, эзгу ва савоб ишларни қадрлай оладиган, юриши-туриши билан ёшларга ибрат бўла оладиган ҳамюртларимни кўргандай бўлдим.

Мен ўзим кўплаб тенгқурларим қатори Олий Мажлиснинг жамоатчилик фонди

гранти асосида «Зарафшон» газетаси қошида очилган журналистик маҳорат мактабининг тингловчиси бўлдим. Институти битирганимдан сўнг, мана, уч йилдан буён ана шу маҳорат мактабида ўзимдан кичик иқтидорли ёшларга сабоқ берайман.

Замира Болтаева, Исомиддин Пулатов, Сайёра Бекназарова, Хусниддин Суёнов билан бирга халқаро лойиҳаларда иштирок этиб келяпмиз. Республика нашрларида, таниқли ҳамкасблар ёрдамида маҳоратимизни оширдик. Бундай ҳаракатларнинг давлатимиз томонидан мунтазам қўллаб-қувватлаб келинаётгани биз ёш қаламкашларни янги-янги ижодий режалар сари даъват этаётир.

Албатта, ҳаётдаги ўзгаришлар ҳақида кўп ёзиш мумкин. Лекин мен ўша нуруний отахоннинг юракдан айтган самимий гапларига қўшилиб шундай демокчиман:

— Азиз юртдошим, овоз ва эркин ҳаёт қудратини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини билмоқчи бўлсангиз, янгилаш чирой очаётган вилоятларимизга бориңг, жумладан, бизнинг Самарқандга ҳам келиңг!



Сарвиноз УМУРОВА

Устозларимиз кўп такрорлайдилар: “Сизларга ҳавасимиз келади, бир неча чет тилларини биласиз. Турли грантлар совриндори сифатида нуфузли хорижий таълим даргоҳларида ўқиш имконига эгасиз. Кичик ёшданок давлат мукофотлари соҳиблари бўлиб келасиз. Бундай шароит бизда бўлмаган. Бундан фойдаланиб, юксак марраларга эришинг”.

Бундай имкониятларни кўлдан бермай келаятган тенгдошларимиз бор. Биргина ўзим таҳсил олаётган Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултети талабалари ҳаётидан ҳам бунга етарли далиллар келтиришим мумкин. Республика инновацион гоаялар ярмаркасида магистрант Назоқат Абдурахмонова фахрли 1-ўринни олди. Унинг кўзи ожизлар учун компьютер дастурини яратиш борасидаги изланишлари муносиб тақдирланди. Тўғриси, ҳавасим келди. Устозларимиз бугун инновация замони эканини, бугунги кунда бусиз бир қадам ҳам илгари қадам ташлаш қийинлигини беҳиз такрорламаётган эканлар.

Кўз ўнгинда тенгдошларинг ёки сендан уч-тўрт ёш фарқ қиладиган олапаринг, акаларинг катта ютуқларга эришиб турса, қалбингда олдинга интилиш туйғуси пайдо бўлганини сезмай қолар экансан, киши. Утган йили факултетимизнинг иқтидорли талабаларидан Дилноза Калонова Президент стипендиати бўлди. Ундаги илмга иштиёқ, уч-тўрт тилда эркин мулоқот қила олиш қобилияти, фанларни ўзлаштиришдаги салоҳият чиндан ҳам ҳавас қиларлиқдир.

Тўртинчи курс талабаси Муяссар Тиловановнинг нуфузли нашрларда чоп этилаётган ҳикояларини ўқиганда таъсирланаман. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида “Ватан учун яшайлик” ижодий танловда голиб бўлгани унинг порлоқ истикболдан дарак берса ажаб эмас. Қурсдошим Акрам Маликов ёш ижодкорларнинг “Ватан ягона-дир, Ватан биттадир” танлови совриндори бўлгани иқтидор ёш танламаслигини кўрсатади.

Ҳавас қиладиганларим — истеъдод эгаларидан яна бири ёш тадқиқотчи Нилуфар Абдурахмоновадир. Илмдаги нисбатан янги йўналиш — компьютер лингвистикаси, хусусан, матнларнинг машина таржимаси бўйича изланиш олиб бораётган Нилуфар опа анча салмоқли ютуқларга эришди. Ушбу мавзуда ўқув қўлланма тайёрлаб чоп эттирди. Инглизчаси мукамал, компьютер дастурлари билан бемалол тиллаша олади.

Университетни битирибқўқитувчи сифа-

тида иш бошлаган Дурдона Маҳаммадова ҳамда Шаҳноза Назаровага чин маънода ҳавас қиламан. Улардек бўлишга интилам. Бироқ бундай муваффақиятга эришаётганлар санокли. Назаримда, талабалик айни шундай иқтидорлар учун олтин давр. Негаки, улар талабалиқнинг бирор лаҳзасини беҳуда ўтказмаган, беҳуда ўтказмаган. Улар ўзларининг илмий-педагогик, илмий-ижодий келагани учун талабалик кезларидаёқ мустаҳкам замин тайёрлаётдилар.

Савол туғилади: барча тенгдошларимиз ҳам шундайми? Талабалик улар учун ҳам олтин даврми? Улар ўз истикболлари учун жон куйдириптиларми? Афсуски, улар орасида қимматли вақтларини интернет кафе-ларда, тунги клубларда ўтказаятганлар ҳам йўқ эмас. Кўпроқ билим олиш, китоб мутолааси, ижодий изланиш ўрнига ёшлик қуввати-ни ўйин-кулгига сарфлаётганлар ҳам топилади. Адабиётшунослик, тилшунослик илмининг даргаларидан сабоқ олаётганига қарамай, лоқайдлиги, ялқовлиги сабабли фанлардан ўзлаштира олмай, талабалик бахтидан бенасиб бўлаётганлар-чи? Ахир ота-онаси уларни не-не орзулар билан қўйишга юборган. Фарзандидан нималарни кутипти? Буни ҳис қилмаган тенгдошларимга чин кўнгиладан ачинаман.

Эҳтимол, бу тоифа ёшлар “олтин давр” деганда ўткини завқу сафоларни тушунишар. Қачон уларнинг кўзи очилади? Ота-она, Ватан олдидаги бурчини, масъулиятни қачон англаб етади? Ҳеч бўлмаса, ўз келажақларини йўламайдиларми?

Бугун таълим тизимининг барча босқичларида замон талаблари даражасида билим олиш учун ҳамма шароит муҳайё. Мактаблар, академик лицейлар, олий таълим даргоҳларининг замонавий техника-технологиялар билан таъминлангани, ахборот-ресурс марказларининг жиҳозлангани, дарслик ва ўқув қўлланмалари захираларининг етарли экани фикримнинг тасдиғидир. Телевидение орқали кўрдик, матбуотда ўқидик, ўтган йили феврал ойида таълим соҳасидаги ютуқларимизга бағишлаб ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодин тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциянинг чет эллик иштирокчилари юртимизда бу борада амалга оширилган ишлардан ҳайратланиб сўзладилар. Таълим тизимининг ўзбек моделини ўрганиш, Ўзбекистон таърибисини омаллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Бундан мен ҳам тенгдошларим ҳам хақли равишда фахрландик.

Тенгдошларимиз эришаётган бу муваффақиятлар бизни тарбия қилаётган, ўқитаётган ота-онамиз, камолга етказаятган, қалбимизга чексиз фахр-ифтихор бахш этаётган Ватанамиз, халқимиз олдидаги бурчларимиз нечоғли салмоқли эканини ҳам яна бир эслатади. Талабалик биз учун чинакам олтин даврга айланиши учун ана шу масъулият залворини ҳар қадамда теран ҳис этиб яшашмоғимиз, эл-юрт қорига ярайдиган юксак малакали мутахассислар бўлиб етишимизга шарт, деб ўйлайман.

Гулчеҳра АШУРОВА

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Айниқса, истиқлол даврига қадар бадиий таржимада рус тилига қарам бўлиб қолган ўзбек таржимачилигида ҳам ижобий ўзгаришлар айнан ёш таржимонлар саъй-ҳаракатлари ҳисобига рўй бераётир. Хусусан, Алишер Отабоев, Шухрат Сатторов, Гулноза Азимова сингари мутаржимлар изланишлари умид уйғотади.

Бир сўз билан айтганда, тенгдошларимнинг ижодий изланишлари рағбат берадиган барча шароит ва имкониятлар етарли. Чунончи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди томонидан бошловчи қаламкашларнинг “Биринчи китобим” лойиҳасида китобчилари чоп этилаётир. Ёшларнинг “Олтин кўприк”, “Қафдаги ниҳол” ҳамда қуни кенча “Оила — менинг кутлуг боғим” сингари баёзлари нашрдан чиқди. Бу нашрлардаги асарлар бир-биримизни ўрганиш, ижодий изланишларимизда кўринган айрим фарқли жиҳатларни ўзаро солиштириш имкониятини, кўпроқ камчилик ва индивидуал маҳоратни ўрганишимиз ҳамда етарли хулоса чиқариб





Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги тарих соҳасига ихтисослаштирилган 216-мактабда таълим олганман. Шу сабаб мактабимиз қошидаги "Ёш тарихчилар" тўғрагининг фаол иштирокчиси эдим. Тўғрақ раҳбари, тарих фани ўқитувчимиз Мажуда Воҳидова менга Ватанимиз тарихининг ҳатто дарсликларда ёзилмаган сир-синаотларини ҳам ўргатарди. Улар туфайли мендаги тарихга қизиқиш бора-бора меҳр-муҳаббатга айланди.

Ўлкамиз тарихини ўрганмоқчи бўлсам, албатта, шарқ тилларини билишим кераклиги менга маълум эди. Чунки Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлардаги даврини ёритувчи асар манбалар араб ва форс тилларида битилган. Шу қизиқиш ва эҳтиёж мени Тошкент давлат шарқшунослик институтининг хорижий шарқ филологияси ва тарихи факултетига етаклаб келди. 2000 йили ушбу ўқув даргоҳига ўқишга кириб, тахсил ола бошладим.

Талабани йилларимда менда туркий халқларнинг тарихий кийим-кечаларига қизиқиш пайдо бўлди. Устозларим М.Исҳоқова ва Ф.Бобоев раҳбарлигида Марказий Осиё халқларининг кийимиш маданиятига оид бакалаврлик ва уни давом эттириб, магистрлик диплом ишини ёздим.

Институтни тугатгач, араб ва форс тилларидаги кўлэмалар асосида ажодларимизнинг кийим дунёсини ўрганаман, деган ниятда институтда қолдим. Аммо ҳаётда тез-тез учраб турганидек, тақдир менинг йўлимни бир оз ўзгартириб юборди... Бу ерда менга илмий раҳбар этиб тайинланган Нурёв

ди Тошевга ўз ниятимни билдирганимда, у киши кўлэмалар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари ва қийинчиликлари ҳақида сўзлаб, даставвал бир манбани тадқиқ қилиш орқали кўлэмалар дунёсига кириш лозимлигини уқтирди. Мас-

СЎЗНИНГ ИЛОҲИЙ СЕҲРИ

лаҳатлашиб, буюқ адиб Муҳаммадризо Огаҳий қаламига мансуб "Зубдат ал-таво-рих" (Тарихлар сараси) номли тарихий асарнинг асли-ятдаги илмий-танқидий матнини тузиш ишига бел боғладим ва беш йилдирки, шу иш билан машғулман.

Тўғриси айтсам, дастлаб бу ишга хоҳлар-хоҳламас киришганим. Ўзинг севмаган иш билан шуғулланишни қийинлаштириб кўрсатар, ишининг баракаси ҳам бўлмакан экан. Бироқ "...из-доҳими машархуруш ва жуйуши дарёжўш била уруш салоҳидин оҳангуш бўлуб, илҳом ва сурӯш ишорати била дўш бар дўш аъдойи бе-хуш устида оҳангуш юруш қил-дилар" каби сатрлар мени ижодкор оламига етаклаб кирди, ундаги гаройиб манзараларга рўпара қилди. "Зубдат ал-таво-рих"нинг го-ят

жозибали тили ва умуман, Огаҳийдек сўз устасининг мафтункор ижоди мени ўзига буткул тортиб кетди. Вақт жиҳатдан биздан унча узоқ бўлмаган даврда яшаган ажодимизнинг нақадар буюқ ишлар қилиб кетгани ҳайратланарли эди. Ўз ишимга

меҳр қўя бошладим, қатъият-ортиди. Асарнинг Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонаси шарқ кўлэмалари бўлимида сақланаётган нусхасини сотиб олдим. Тадқиқ этиш асосида унда Огаҳийнинг ўз қўли билан кўчирганини кўрсатувчи ҳолатлар ва аломатларни аниқладим. Ўйлашмича, у муаллиф дастхати билан битилган эди. Мулоҳаза ва далилларимни Огаҳийнинг ижоди, хусусан ҳуснихатидан яхшигина хабардор бўлган илмий раҳбаримга айтганимда, у киши бу тахминим камида 99 фоиз тўғри эканини тасдиқлади. Бу илк илмий "кашфиёт"имдан бошим ос-монда эди! Кейинчалик Германиянинг Герда Хенкел хайрия жамғармаси берган грант туфайли Санкт-Петербург шаҳрига бориб, ўша кўлэмани янада чуқурроқ

ўргандим ва унинг, дарҳақиқат, дастхат эканига тўла ишонч ҳосил қилдим. Бу янгилик ҳақида ўзимизнинг институтида, Москва ва Кембриж шаҳарларида ўтган илмий анжуманларда маъруза қилганимда, матншунослик соҳаси бўйича етук мутахассислар бу янгиликимни эътироф этишди. Бу тасдиқлар илм майдонига ишонч билан да-дилроқ қадам ташлашимга қувват бағишлади.

Матншунослик соҳасига меҳр қўйишимга сабаб бўлган ва менга доимо куч берувчи яна бир нарса бор. Етакчи олимлар билан бўлган кўплаб сўхбатлардан шу нарса билдимки, матн-шунослик Ўзбекистонда бир оз оқсаётган соҳалардан экан. Ҳолбуки, тарихимизга доир юзлаб манбалар ҳалигача нашр бўлмади, кўлэмалар ҳолида қолиб кет-моқда ва не-не мазий сир-асрорларни ўзида яшириб ётибди. Кераклик ва истиқболли иш билан шуғулланиш, табиийки, кишига куч беради.

Аммо "биринчи илмий муҳаббатимдан" ҳам кўнглим совгани йўқ. Республика-миз ва чет эл музейларида миллий либосларимизни кўрганимда, вақти келиб қадимий кўлэмалардаги улар ҳақидаги маълумотларни жамлаб, жиддий та-дқиқот яратиш истаги пай-до бўлаверади. Фақат ҳозир олдимда турган ишни ёруғ юз билан ниҳосига еткази-шим, илмий раҳбарим таъ-кидлаганидек, аввал кўлэмалар дунёсига яхшироқ ки-ришим керак.

Хилола НАЗИРОВА

Адабиётга қизиқадиган, аммо турмуш ташвишларига сўйиб, ўқишга унчалик имкон тополмайдиган, бинобарин, янги китоблардан беҳа-барроқ дўстим бир сабаб билан "Шукур Холмирзаев ваъдодлари хотирасида" китобини ўқиб чиқди. Ўзувчини айрим ҳикоялари орқалигина танийдиган танишим мутолаадан сўнг, адабнинг ҳаёти ва ижодига ниҳоятда қизиқиб қолди... Шукур Холмирзаевнинг адабий-эстетик қарашлари мавзусида тадқиқот олиб бораётган, шу асно ўзувчининг мақолалари, қундаликлари билан танишган эсам-да, дўстим-нинг ҳаяжони менга ҳам юқди. Ўйлаб, ўйланиб қолдим...



ХАР КИМНИНГ ЎЗ ФИКРИ БОР (МИ)?

Ёҳуд танилаш учун таниш зарурлиги хусусида

"Шляпасини сира ечмайдиган" Шукур Холмирзаевни ҳар бир китобхон ўзича танийди, бошқалардан айрича тасаввур этади ва бунга ҳақли ҳам. Шундай отли ёзувчи (бошқаларга ўхшамайдиган инсон) борлигини мактаб партасида "Ўзбек характери"ни (бу ҳикоя номи кейинроқ "Ўзбеклар" деб ўзгартирилган) ўқиб билганим эсимда. Ҳикоянинг содда тили, тасвирининг тиниклиги, қаҳрамонларнинг эса қоларлиги, ноодатий штрихларда ифодаланган мураккаб инсоний муносабатларни ўша паллаларда таҳлил қилганим йўқ. Бироқ Шукур Холмирзаев номини эшитганимда сер-гак тортадиган, адабнинг исми битилган китобларга бошқача сўз билан — қизиқиб қарай-диган, қаҳрамонларнинг бирига ини, бирига оға, бошқасига ўғил, неварани тутинадиган бўлганим рост.

Университетда адабнинг ҳикояда миллий руҳиятни акс эттириш маҳорати бўйича дипломи иши ёздим. Ўзим ҳаётда гоҳ-гоҳ кўриб юрган, лекин сезмаган-англамаган кўп жиҳатларни ҳикоялардан топдим. Масалан, "Арпа-ли қишлоғида" ҳикоясида бўйи етган қизига совчилар ҳақида сўз очолмаётган отанинг руҳиятидаги тўлоқлар, онаси вафотидан кейин отасигагина суняиб қолган қизнинг изтироб-ларини ўқиб... ёзувчи нафақат одам деган му-раккаб хилқатни, айна чоғда бу дунёда ўзига ҳос яшаш тутумлари бор ўзбек деган халқни нозик билишига имон келтирдим. Шундан кейин адабиётда Шукур Холмирзаев деган катта ёзувчигина эмас, ҳаётда шундай исмли йирчи шахс ҳам борлигини англай бошладим. Кутубхоналардаги газета таҳлавлари ораси-даги мақолалардан одамларни қаттиқ севган, шу сабабли ҳам унинг қусурларидан озор туй-ган, хислатларини кўзга суртган ёзувчи киефасининг у ёки бу кирасини, тоғандай бўлдим (кейинроқ билдимки... адабнинг қизи Сайёра Холмирзаева бу мақолаларни йиғиб, авайлаб асарга юрган экан). Ана шундай кез-ларда мен учун адабнинг ўз сўзлари бадий асарлари зимнидаги маънога етиш учун оч-кик вазифининг ўтади. Шукур Холмирзаев асарлари ҳақида сўз кетганда, аксарият ҳол-ларда муаллифининг содда тасвирлаш йўсини шунчаки қайд этиб кетилди. Ҳолбуки, ёзув-чининг ижодий тамойилларидан бири ана шу соддалик (табийийлик) замирида яширинди. У мақола-сўхбатларидан бирида ёзади: "Қаҳрамоннинг (қаҳрамонларнинг) кўнглидан изма-из, босқичма-босқич ва узвий мунтазам-ликда кечадиган ҳамда (демак) қаёққадир кўтарилиб ёҳуд пастлаб борадиган ҳис-туйғу-

лари ва ана шулар таъсирида пайдо бўлади-ган (маънилими, бемаъними — фарқи йўқ) фикр-мулоҳазаларнинг табиий чиқиши... шу қадар нозик ва мураккаб жараёнки, ҳар қан-дай олий математик ҳисоб-китоб ҳам бунинг олдида ҳеч нарсадир!".

Ёзувчини ҳар доим ҳам, ҳамма ҳам осонликча тушунаврган, деб бўлмади. Тўғрироғи, унга — асарлари ҳам, ҳаёти тўғрисида ҳам турли даражада эътироз билдирганлар бор. Ҳатто ай-римлар адабнинг кўп йиллар китоби чоп этилма-ганини асарлари ўқилмаётганига йўйган, бун-дан адабнинг руҳи чўкиб, "адабиётнинг ўлиши"га ишониб қолганини таъкидлаган пайтлар бўлди. Ҳолбуки, Шукур Холмирзаев ўша машҳур "Ада-биёт ўладими?" мақоласини ёзган пайтда ҳам адабиётнинг умри боқийлигини билган, бунга асло шак келтирмаган, азбаройи фикри ча-ғиб, нигоҳи ўзга манзилларга қадалган киши-лар(ҳам ижодкорлар, ҳам китобхонлар)нинг диқ-қатини тортиш, уларни бир "қалқитиб қўйиш"-ни ўйлаган, чамамда. Мақолани ўқиганидан (ўқиб деб бўлмайди) сўнг ёзувчини: "Хафа бўлманг, Шукур ака, адабиёт ўлмайди", дея "юпатган" ҳамсуҳбатига қарата Шукур Холмир-заевнинг аччиққина қилиб: "Ажаб, мен буни бил-мас эканман?" дегани ҳам шундан далолат. Қолаверса, адабиёт ўлмаслигини, ёзганлари-гина қолажагини билган, устига-устак, ёзганлари-дан ҳаловат топган, ёзишни "ҳазил эмас, қис-мат" деб билган адиб улғуриб қолишга — қисқа умрни беҳуда совурмасликка интилган, десак ҳам хато бўлмас.

Менинча, ёзувчи (шоир) бўлиш иштиёқида қўлига қалам тутган тенгқурларим Шукур Хол-мирзаевни яқинроқ танишлари лозим. Адабнинг бадий асарлари, қолаверса, адабий-танқидий мақолалари Инсонни англаш ботида катта мак-табдир. Дейлик, гоҳида замона заълига ўчиб, эр-кинликни бебошвоқлик тарзида тушунадиганлар ҳам учраб қоляптики, бундай "ўз фикрига эғали-ги" билан мактанадиганлар инсонларро муно-сабатларнинг мезони бўлган умумқадриятлар ҳам фикрдан ўсиб чиққанини, лекин улар вақт синовини енгиб ўтган ҳақиқатлар эканини ну-тиб кўядилар. Шукур Холмирзаев ёзади: "...ола-да шундай ҳақиқатлар борки, жумладан, яхши-лиги ёмонлик, нодонлиги жоҳиллик, раҳм-шаф-қату буларнинг акси... Бу тамойилларга нисба-тан ҳар хил эма-ас, бир хил фикр, бир хил кўзқар-аш бўлиши керак-ку!" Бундай кўзқараш асло яқранглик эмас, балки фикрлар хилма-хиллигига йўл очувчи уйғунликдир.

Отабек САҒАРОВ

Ҳар гал она қишлоғим, ота юртим Изилқоқа бориб қайтар экан-ман, икки кўзим ортимда «қолади». Боласига меҳрибон барча оналар каби азнам йўлтурвамини ҳеч қимга ишонмай ўзи ҳозирлайди, албатта, ичига чўпон юлдузининг шуъласига спио олинган сутла нои қолади.

Остонада отамнинг қўллари дуога очилди. Тангридан менга йўл сўрай-ди, йўлдош сўрайди...

Энам-чи, азнам ортимдан эргашиб томорқамизнинг адоғигагина келади, ундан кўчанинг бошига чиқади. Мен-чи, мен азнамнинг эргашидан ўзимни ноқулай сезаман, "Эна, қайт-сангиз-чи", демоқчи бўламан, гапим тинимга тегади, бироқ тилимга чик-майди, қадам ташлайман. Ҳозир рўпа-рамдан Улаш бувами, Ойлар момами қичиб: «Ув-в... Нурилла, сен шаҳарга қатнай бошлаганимда тишим чикма-ганди. Ҳалиям қатнаясанми?», деб ай-

нима дейди? Ўзи, менинг қораламалари-мни укам азнамга ўқиб бера олади-ми? Синглим отам билан улар ҳақида сўхбатлаша оладими? Бу каби савол-ларнинг чек-чегараси йўқ...

Қуроли сўз бўлган ижодкорлар учун бугун зулмат нурга айланган кун. Нега-ки, уларнинг ижодий эркинлиги таъмин-ланган, қалами бор ҳар ижодкор билга-нини истаганича, қурбати етганича ёза-ёттир. Аммо ўзини «бир ҳовуч аҳли адаб» одамлари орасида, деб биладиганлар қаторидаям турмуш ташвишларидан баланд турмай, дил ва қалам ростлиги-га футур етказаятганлар сероб. Улар ло-

майиб байтал минганлар билан ҳамроҳ этса, ўз-ўзингиздан уларнинг қадамига қарашингизга тўри келади: Ахир, беҳиз-га истеъдод тўлроғи менга эъланган. От-нинг орасида тўлроғи қанча кам бўлса, шоирлар ичида истеъдодлилари ундан-да ноёбми, дейсан киши баъзан.

Бир йил илгери китоб дўконида бўлғор қалампирдек келадиган бурчи қизар-ган, қориндор бир одамга дуч келдим. Тили жағига жой бўлмаётганидан, бироз «отганини пайқаш қийин эмасди. Китоб олмоқчи бўлганимни билиб уч жилдли китобни тавсия этди. Бу иши ёқмаганидан ундан узоқлашдим: «Ука, қим билан гаплашаётганимни биласан-ми, ўзи?», деб яна ўша китобни қўлим-га тутди. Китобнинг қаттиқ муқовасини очиб қарадим: аччиқ қалампирдек ингич-ка бурунли, олма юзли бир йигитнинг суратини кўрдим. Бу қаршимдаги тур-ган кишининг ёшлиғи эди. Индамай ки-тобларни растада қолдириб ташқари-га чиқдим. У ортимдан келиб: «Ука, бит-та китоб олсанг ўлиб қоласанми ё пу-линг йўқми?», деб чўнтагидан пул чи-қарди... Унга тенг бўлишни ўзимга эп кўрмай кетдим. Эртасига шу китобни олдим, ўқидим, увол бўлган қорғозга ачиндим.

Яна бир гал қачонлар-ди катта-кичиқ ёзувчилар даврасида доимо ҳозирю нозир, у-бу нарсалар қора-лаб киб қанча китоблар чи-қарган бир мўйсафид асарларига ўн икки жилд қилиб тартиб берганини, бирор-бир эътиборли номир топилса, чоп этиши муқимлигини айтиб, сўлиш олди. Унинг умидсизлигидан ёзганларига эҳтиёж йўқлиги сезилиб турарди. Аслида бу зот алақачонлар зиёлиларнинг, бадий асар мухлисари-нинг назаридан қолган, эсидан чиққан. Аммо бундан тан олгиси кемайди. Тан олса, ўтмишидан уялади. Шунинг учун энди ўзи билан ўзи курашиб, бир саховатпешанинг йўлига кўз тикиб, умр ўтказди. Бу ҳолатлар бизга сабоқ бўлиши керак, деб ўйлайман.

Назаримда, биз ёшлар қандай ёзиш-нигина эмас, балки қандай ёзмаслик-ни ҳам билишимиз керакка ўхшайди. Бир кун келиб ёзганларимиз бизга узоқ-дан кўз тикиб турган элимиз, ота-она-мизнинг нуруний қарашидидаги умидга, жажжи болакайлар нигоҳидидаги орзу-ни-ятларга муносиб жавобимиз бўлса... Зеро, адабиёт йўли ортага қайриладиган йўл эмас.

Демак, қадамимиз қайрилмай, муро-димиз ҳосил бўлиш йўлини кўрганимиз маъқул.

майиб байтал минганлар билан ҳамроҳ этса, ўз-ўзингиздан уларнинг қадамига қарашингизга тўри келади: Ахир, беҳиз-га истеъдод тўлроғи менга эъланган. От-нинг орасида тўлроғи қанча кам бўлса, шоирлар ичида истеъдодлилари ундан-да ноёбми, дейсан киши баъзан.

Назаримда, биз ёшлар қандай ёзиш-нигина эмас, балки қандай ёзмаслик-ни ҳам билишимиз керакка ўхшайди. Бир кун келиб ёзганларимиз бизга узоқ-дан кўз тикиб турган элимиз, ота-она-мизнинг нуруний қарашидидаги умидга, жажжи болакайлар нигоҳидидаги орзу-ни-ятларга муносиб жавобимиз бўлса... Зеро, адабиёт йўли ортага қайриладиган йўл эмас.

Нурилла ЧОРИЕВ

"ТЕНГДОШЛАР ИЖОДИ"

2012 йил, 5 — 6-сон
Мамлакатимизда ёш авлодининг адабиёт ва санъат, фан ва спорт, ижтимоий ҳаёт жабҳаларидаги ижод ва изла-нишларини, эришаётган ютуқларини эңчил ёритиб ке-лаётган газета ва журналлар талайгина. Улар орасида "Тенгдошлар ижоди" журна-ли ҳам навқирон авлод вақилла-ри эътиборига тушиб улгур-ган. Асосан ёш иқтидор эғла-ларининг адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, илм-фан, те-атр каби бир неча соҳалар-даги машқари, тадқиқотла-ри, пишиқ, пухта асарларнинг намуналар мазкур журналда эълон этиб борилади.

Журналларни варақлаганда

Чунончи, ушбу сонда Умид Худойқулов, Илмиддин Уммата-лиев, Низомиддин Бозоров, Дил-фароб Холматов, Мансур Жумаев, Фозил Жабборов синга-ри республикамизнинг турли вилоятларида яшай ижод қилаётган ёш қаламкашларнинг шеърлари, ҳикоялари босилган. Эътиборли жиҳати шундаки, "Тенгдошлар ижоди"да эълон қили-надиган хилма-хил мавзулардаги мақола, хабар, фотолаваҳалар ёшларнинг қизи-қишлари билан узвий боғлиқ. Ушбу материаллар тили, услу-би, саҳифаларда жойлаштири-

лиши ва безалишигача ёшлар-нинг бугунги талаб ва инти-лишларига мувофиқ. Жумла-дан, "Ибрат манзили" ёки "Ижод сабоқлари" руқ-нидаги мухтасар "На-воийнинг ростгўй шо-ғирди", "Шоирлик си-нови" лавҳалари ҳам мумтоз адабиётдан, ҳам улуг алломлари-мизнинг ибратли ҳаёт-ларидан ўзига ҳос са-боқлардир. Китоб ва китобхонлик, қадимий битиклар ва экология, шунинг-дек, ёшлар қизиқадиган кўп-лаб мавзуларга оид материаллар ушбу нашр мундарижасини бойитган.



ЙЎЛ ҚАРАЁТГАН КИШИ

тадиғандек туюлади. Қадамимни ил-дамлатиб, асов тойчоқдай йўртиб ке-таман. Елкамдаги йўлтурваман нуртуя-нинг ўрқачидай силкинади. Шунда узоқдан қўлоғимга: «Тошкан олис-да-а, болам!», деган таниш сас ке-лади. Ортимга қайриламан. Ёним-да, шундоқ ёнгинам-да муштдек жус-сали азнам жилмайиб туради. Шунда шартта қайтгим, азнамни даст кўтариб олгим, йўлтурвани улоқтириб, томор-қадаги отамнинг қўлидан кетмонини олгим келади. Аммо онамнинг: «Бор, болам! Боравер, йўлинг ойдин, йўлги-нинг пири йўлдошинг бўлсин! Қайрил-ма, қанотим!», деган сўзларидан ўта олмай одимлаб кетаман...

Тобора қишлоқдан олислайман, кета-кета ортимга қарайман: онамнинг ёнида отам йўл қарайди. Улаш бува билан Ойлар мома ҳам неваралари билан тикилиб туришади. Шу зайлда улар қишлоққа, мен эса йўлга сингиб кета-миз...

ақал бир марта, бу имкониятни тақдир: «Юрак, сенсан менинг созим, тилимни найга жўр этдинг...», дея ёниб ўтган авлодга раво кўрганида, улар ўзбек-ни, ўзликини, ўз кўнгли-ни қандай ифодалаган бўларди, дея ўйлаб кўрсалар...

Назаримда, ҳозир тенгқур-ларим айна шундай саволлар-га жавоб излайдиган пайт. Бироқ уларнинг бироз айба-наси бордек. Бугун битта ҳикоянинг кифтини келтирган ўзини ёзувчи, иккита шеър қоралаган ўзини шоир санаёттир. Шунинг учун ҳам пуч писта қаққан-дек осон ўқиладиган жўн "шеърлар", учи-кети йўқ алжирашлардан иборат "ҳикоялар" кўпайиб кетди. «Она тилим, сен руҳимнинг қаноти», деб ҳайқирган шоир ҳаёт бўлганида унга тақлид қилиб юзига устара теккиз-майдиган, шеър деб уч пулга қим-мат "сўзпўчоғини" сотиб, ундан каммига дидсиз хонанданинг малайига айланган мардумни кўриб, не дерди. Буни билмайман...

Аёни шуки, бугун адабий жараён, таъбир жоиз бўлса, гоёта қизгин. Бир ёнда муҳтарам устоз адиблар, шоир-лар, адабиётшуносларнинг янги асар-лари чоп этилаёттир, ўқилаёттир. Ёшлар ҳам бўш келишаётгани йўқ. Бироқ чи-қарган китобларини тартиб билан ёйса, қўлоқ етмайдиган муаллифлар ҳам то-пилади. Бу эса, узоқ манзилни кўзлаб йўлга чиққан йўловчинини бир лаҳза бўлса-да уйга толдириши, мушоҳадага чорлаши табиий. Негаки, ногаҳон тақ-дирқарвон сизнинг Бойчиборингизни



"МОВИЙ ОСМОН КЎШИҚЛАРИ"

Ёш қаламкаш Шодиябегим Шарофийнинг "Akademnashr" нашриётида чоп этилган ушбу илк тўпلامига жамланган шеърини машқарида икти-дор эгасининг туйғулар жўш урган қалби ва зотик

Доимий ҳамроҳ

Бир шеърда Шодиябегим ашим Тошкентни "Ёшларга имкон шахри", деб таърифласа, бошқа бир шеърда шодон, шўх бола-лиқни "Қушлар ора-сида сайроқи бул-бул", деб образли ифодалади. Шунингдек, тўпلامдаги "Киш кўрки", "Моҳир рассом", "Янги йил тилаги" каби шеърларида ҳам у табиат манзараларини кўнгли кечинмаларига уйғун ифодалай олганки, бу ёш шоирнинг истеъдодидан дарак бериб турибди.

Тўпلامдаги сўзбошида устоз шоир Турсунбой Адашбоев ёзганидек, истеъдод камёб ҳодиса, иқтидорнинг тўғри йўлга олиганлар эса ундан ҳам ноёб. Буни ёш қаламкаш ҳам ўғит, ҳам рағбат сифатида қабул қилиб, изланиш машаққатларидан чекинмаслиги лозим. Ушбу тўпلامга А.Шаропов муҳаррирлик қилган.



ЁШ АВЛОД АХДИ



Ўтмишга махлиё бўлмаймиз асло, Буламиз, албатта, билимли, кучли. Аждоғлар муносиб авлод бўлишга, Ҳаммамиз масъулдир, ҳаммамиз бурчли. Яратиб қурагимиз, ижод қиламиз, Шу озод Ватанини обод қиламиз.

Биримиз тadbиркор, биримиз меъмор, Биримиз шифокор, биримиз деҳқон. Биримиз куй-қўшиқ яратсақ агар, Биримиз сарҳадда бўламиз қалқон. Юрт ривожига учун меҳнат қиламиз, Шу озод Ватанини обод қиламиз.

Эй замондош дўстим, азиз юртдошим, Ўз устингда ишлаб, чарчама, толма. Акамсан, ё укам, балки тендошим, Олдинга ўт майли, лек ортда қолма. Навқирон, баркамол авлод бўлайлик, Шу озод Ватанини обод қилайлик.

Лазизжон БАХРАНОВ

Истиқлоли бутун, иқболи порлоқ, Шу азиз Ватанининг фарзандларимиз. Бошимиз силлаган, оқ йўл тилаган, Шу меҳрибон элнинг дилбандларимиз. Биз ҳам яхшилиқни одат қиламиз, Шу озод Ватанини обод қиламиз.

Боболар, момолар ўқинганинг рост, Ўзини топталган халқ эдик қандай? Парвоз учун қанот берди истиқлол, Азиз у нон каби, шириндир жондай. Бизлар ўзлгимиз энди биламиз, Шу озод Ватанини обод қиламиз.

ДАРЧА



Узоқлардан келдим уни кўрмоқ учун, Ухлаб қолса, ойни ўзим уйғотаман.

Ёрим деса тилларидан айланайин, Ўргилайин, ўсма қўйса қошларидан. Мендек йигит севиб қолди, нима қилсин, Шу кўрғилик бор экан-да бошларидан.

Ўзи жиндек шўх боламан, лек кўркмайман, Отасио акасио барчасидан. Соғинсам гар уялмасдан мўралайман, Уйларининг очик қолган дарчасидан.

Билмам нега очик қолган, билолмадим, Иссиқ шамол кириб турсин, деганмикин? Ёки ёрим мени йўқлаб келганида, Ой юзминни кўриб турсин, деганмикин?

Мен ўжарман, зарлақанман, рашик ёмон, Ой қараса, осмонга ҳам тош отаман.

Муҳаммад ЖЎРАБОВ

КАЙТИШ



Раиғлар қайтадан раиғ олар қўзимда, Янаш — курашларга айланмоғи шарт. Оғажон! Ватан бу — сенинг ўзинг-да, Болангга яхшилиқ тилайсан фақат.

Юрак, кетдик, Викжон уйга кетдик, Сўз шамширларини тоблаб борамиз. Не бир замонлардан саломат ўтдинг, Энди кўксимизни элга ёраимиз.

Кечкиброқ сездим истеълод кучини Хаёт дареларини англадим кечроқ, Тангрим, тўлиб кетди дардларга ичим, Туйгулар, тўлгонинг, энди кучлироқ!

Оёғим остидан жарлар чиқди, Омонлик бермадим ўзимга ўзим. Менга азоб ҳам хур қиздай ёқди, Онамнинг умрига берсин-да тўзим...

Мансур ФАНИЕВ

ЙЎҚ



Гулим, сендаги чирой куёшда йўқ, ойда йўқ. Сендаги бор қувноқлик дарёда йўқ, сойда йўқ.

Бу дунёда борлигинг мен учун катта бойлик, Мендаги бор бу бойлик ҳеч қайси бир бойда йўқ.

Кўзларинг мисли оху, қошларингдир қайрилма, Бундайин қайрилмалик камонда йўқ, ёйда йўқ.

Васлингга мен етолмай, йўлларингда хор бўлдим, Билсанг, бундайин хорлик тупроқда йўқ, лойда йўқ.

Ёнаман мен, қуяман, дилга алам туяман, Шунчалик ёнишимдан, наҳот, ҳеч бир фойда йўқ.

О гулим, мендан ўтар ошиқни излаб юрма, Сирождай телба ошиқ ҳеч қайда, ҳеч жойда йўқ.

Сирожиддин КАРИМ

Вен ТИНГ-ЮН

ШАНГШАНГА ТОНГГИ САҒАР


Эрта тонгда йўлга чиққанда Отлар кўнгиригини чалишди, Сафардошлар аламга ботиб, Ватан ҳақда уйга толишди. Қўнимгоҳни тарк этган замон Хўроз қичқирса ҳам, Кўлда ой сузар. Тонгда кўпирқидан одамлар ўтганини Хабар берди қировли излар. Тоғ йўлига эман барглари

Шитир-шитир этиб тўкилар, Пўртаҳол гуллари девор узра Ёрқин юлдуз каби очилиб турар. Дулинга қайтгани ҳақда Тушларини эслар у ногоҳ: Кўл устида га-ғалаб гозлар Этар баҳор фаслидан огоҳ.

Хитой тилидан Муниса САНАЕВА таржимаси.



МАЧЕО БАСЭ



Эй ҳовуз! Курбақа сакради. Сувнинг овози.

Дарвозани беркитиб, Тинч ётибман. Ёқимли.

Қизлар байрами. Четта сурилли Эски кўнгирик.

Бу олхўри ёнида Ҳатто сизир ҳам Илк кўшигини куйлайди.

Битта япроқ тушди, Ортидан яна бири, Шамоллар устида.

Япон тилидан Азиза УСМОНОВА таржимаси.

ДЖОН КИТС ШОИР



Ким донишманд одам, ким олдий чўпон — Шоир иккисини ҳам ҳурмат қилгайди. Ҳатто табиати ҳис этар чўпон, Бургутми, қарғами, қадрин билгайди.

Музалар, сўйланг бир саволга доир: Ким билан, не гафда юради шоир?

— Биз уни кўрагимиз ҳар жойда, ҳар дам: Халқ ичра ҳаммага бирдек меҳрибон, Азиз эрур унга шоху гадо ҳам, Шоир-шухратли зоту камтарин инсон.

Тун, ўрмонда янграр арелон наъраси Ва ёки ўқирай йўлбарс ногаҳон — Олдий сўзлар каби унга бариси, Она тили каби азиз, қадрлон.

Инглиз тилидан Зокир ШОЙИМОВ таржимаси.

РОБЕРТ БЕРНИС АЯЛЛА



Алла-алла, болажон, Кўёш оғди гарб томон. Кўнчиқ ҳам ўтлоқда Дам оляпти шу замон. Бутоқ бешик қушчага, Гул аллалар арини. Тўлқин гулни тебратар. Ел дарахт шохларини. Мен аллалай боламини Ширин йўқуга кетсин. То у уйғонунча Дасторгул гунча тўтсин.

Инглиз тилидан Мақсадхон ҲАКИМОВА таржимаси.

КЕЛОДИМ



Беш кунлик дунёда меҳмонинг бўлиб, Кўнглинг гулшанига киргани келдим, Мени ранжитмагин, мени ҳайлама, Муҳаббат мевасини тергали келдим.

Ҳеч қачон сўлмамай умид гуллари, Унга малҳам сувини куйгани келдим. Гунча очилгандек табасум айла, Булбулдек дардинда куйгани келдим.

Ёрсиз бу дунёда нечук маъно бор, Ҳаёт тўзалдиғин кўргани келдим. Мени бахт қасринда олиб қол, беғим, Ишқ йўлида хизмат қилгани келдим.

Насибали МАМБЕТИРЗАЕВА

Салом кундалигим! Бир воқеа сабаб бўлдию сен менинг қадрдоним, сирдошимга айланиб қолдинг. Кейин билсам, энг яхши сирдош ўзинг экансан. Бировга сиримни сотмайсан, қувончимга, ғам-аламимга ҳам энг яхши дугонамдай шериксан. Сенга қандай қилиб бунчалик боғланиб қолдим, ўзим ҳам билмайман. Хуллас, бошидан бошлайман. Бугун 2 июл 2011 йил. Жазирама ёз бўлишига қарамасдан ҳамма ишга шўнғиган. Бугун рақс тўғараги биносидан кўрик-танлов бўлиб ўтиши керак эди. Танловда менинг номим иштирокчилар сафидан ўн иккинчи ўринда турибди. Аслида, рақсга болалигимдан қизиқаман. Тўғараққа саккиз ёшимдан қатнашман. Кўрик-танловларда кўп бора иштирок этганман, аммо афсуски голибалик нашидасини суриш менга насиб этмаган. Бугун топшириқларни жуда берилиб ижро этдим. «Тановар» рақсини ижро этганимда ҳатто хайбат аъзолари ҳам ўринларидан туриб, олқишлашди. Хайтовур, беш йиллик ҳаракатларим зое кетмади. Тошкент шаҳридан келган таниқли раққоса, хайбат аъзоси Гулчехра Ибраҳимова мени олий ўрин соҳибаси, деб аъён қилганида ҳажондан титроқ босди. Кўз ёшимни тийиб тура олмадим. Кўзимдан қувонч ёшлари оқарди.

ни йўқласанг қўлоғи кўринади», деганларидек энг яқин дугонам Гулнорнинг ўзи кўнгирик қилиб қолди. Мен унга шавқ-заъв билан голиба бўлганим ҳақидаги хабарни айтдим. У хушхабарни негадир эътиборсизлик билан қабул қилди, табриқни ҳам тил учидан айтди. Уйларимиз яқин бўлгани учун бизниқига келишини сурадим. Унга таассуротларимни сўзлаб бермоқчи эдим. Бироқ у келолмаслигини айтди. Ҳаво иссиқ эмиш.

кўнглимдаги ғашлик йўқолмади. Олдинлари тан олмагай бўлсам-да, айна қамларда сирдошлиққа қоғоз ва қаламдан-да яхши дилкаш йўқлигини англаб өтдим. Бўлиб ўтган воқеаларни ёзиб борар эканман, мана шу қоғозга ҳар бир ёзган сўзим билан биргаликда дардим ҳам тўкилиб бораётганини ич-ичимдан ҳис этаяпман. Азиз кундалигим, сен ҳар доим дардимга малҳам бўлиб, ёлғизлигимда ҳамдамим бўлиб, ҳеч кимга айтолмаган сирларимни сабр-тоқат билан тинглайсан. Хуллас, Гулнордан бир оз

Лазиза ШЕРЗОД

САЛОМ, КУНДАЛИК!

Ахир, унинг шундай хурсандчилик кунни бўлганида мен уйда ўтира оларимдими, саратоннинг жазирамасида ҳам қанот чиқариб ёнига учиб борган бўлардим-ку!

ранжиганимни айтиб қўйма. Иккинчидан, инсонлардаги энг бебаҳо фазилатлардан бири — бу кечиримли бўлиш. Учунчидан, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, ухлаш керак. Эртага субҳидамда учрашгунча хайр...



Мутолаа

Бугун менинг тоғлардан-да баланд шодлигимни чўқтирган нараса ана шу бўлди. Мен унинг келишини, бағрига босиб табриқлашини, қувончимга шерик бўлишини жуда жуда хоҳлагандим. Афсус... Кейин ўзимга тасалли бера бошладим. Балки, уйда муаммо чиққандир ёки тоби қочқандир, тўғрими? Мени ташвишланмасин, деб айтмагандир. Ҳар қанча ўзимни-ўзим алдамай, таскин топмадим,

Салом кундалигим! Яна сенинг оппоқ юзингга дил сўзларимни ёзиб, сирлашяпман. 3 сентябр 2011йил. Гулнор мени кутмай мактабга кетиб қолибди. Нега? Наҳот у... Биласанми, кундалигим, нима учун Гулнор мендан аразлаб юрибди? Уйлаб-уйлаб, охири тагига етгандек бўлаяпман. Дугонам Гулнорнинг елкалари ўғил болаларниқига

ЛИ МИЭ СЎНГГИ МАҚТУБ

У тўзиб өтган торгина хонада рафикасининг суратини беҳолгина томоша қилиб ўтирдим. Аёли узоқ муддат давом этган дардини енга олмай бу дунёни тарк этганига олпа-роса бири йил бўлганди. Эракк юрак-бағрини ўртаган соғинч ва тушкунликдан қутулиш мақсадида ўзича қарор қилди. "Сенсиз бу ҳаётда яшашнинг кизиги йўқ. Азизам, мен ҳам ёнингга бораман".

"Азизим, мен сиз билан биргаман... Кундан кунга сизсизлик сари юзланиб бораётган бўлсамда, фоний дунё узра сизга бир неча ўтинчимни ёзиб қолдирипман. Азизим, Санг Унинг туғилган кунни яқин. Туғилган кунда албатта уни суратга туширинг, фақат, илтимос, ўғлимиз кулиб туриб расмга тушсин... Жавондаги кутини очсангиз, сурат учун рамка бор. Бир пайтлар 20 донна сотиб олган эдим. Ҳозир 14 таси қолган. Санг У 20 ёшга тўлгунга қадар ҳар йили суратга тушириб рамкага солиб меҳмонхонага осиб қўйинг. Азизим, ёзда кўчага чиқшдан аввал икковингиз ҳам қўёшдан сақловчи малҳамни суриб олишни унутманг. Азизим, куз ва қишда ўзингизни аҳтиёт қилинг, иссиқ кийининг...

Ха яна бир гап, ҳар кунни, албатта, камиди бир марта Санг Уни бағрингизга босиб, уни яхши кўришингизни айтинг. Доим меҳрингизни ҳис қилиб турсин. — Шу ерга келганда эр кўз ёшларини тўхтата олмади... Сўнг аёлининг илтимосларини ўқишда давом этди. — Азизим, вақти келганда йилда икки бора тиш шифокори назоратидан ўтинлар. Азизим, Санг У янги дўст орттирса, унинг қандай бола эканлигини, албатта, суриштириб кўринг. Зеро, дўст бу —иккинчи "мен" дегани. — Унинг қалбини ларзага келтирган нараса мактубдаги сўнги жумла эди... — Азизим, мен учун ҳаммасидан ҳам сизнинг бахтли яшашингиз муҳим!"

Эр рафикаси ёзиб қолдирган мактубни бағрига босди ва кўз ёшларини артди. Бундан буён у ҳаётда қандай зарбага учрамасин, ҳеч қачон кўз ёш тўкмасликка қарор қилди. Фарзанд қамолли, яқинларининг бахти ва қувончи нақадар муҳимлигини англаб өтди. Зеро, рафикасининг сўнги мактуби унинг учун янги ҳаёт қуриш йўлида муқаддимамга айланган эди.

Корейс тилидан Зилола АБДУҒАФУРОВА таржимаси.

Истиқлол йилларида республика Ёш томошбинлар театри репертуарида замонавий мавзудаги спектакллар салмоғи ошгани сир эмас. Айниқса, ёшлар ҳаёти, уларнинг ички дунёсини акс эттирувчи бир қатор асарлар сахна юзини кўргани қувонарли ҳол. Жумладан, Шухрат Ризаев пиесаси асосида таниқли режиссёр Олимжон Салимов томонидан сахналаштирилган "Дискотека" спектаклини ана шундай долзарб мавзудаги асарлар қаторига киритиш мумкин.

Тўғри, спектаклни илк бор томоша қилган мухлислар назарида тасвирланаётган воқеа ёшларнинг кундалик муаммолари, иқир-чирларидан иқтибос қилингандек туюлиши мумкин. Бироқ асар мавзусига чуқур назар ташлаган мухлис унинг замирида жиддий ахлоқий-ижтимоий масалалар илгари сурилганига амин бўлади. Шу маънода пиеса ва унинг сахнавий талқинини катта ҳаёт оstonасига қадам қўйиш арафасида турган ёшларнинг интилиши, шижоати ва журъати бағишланган замонавий драма, деб атасак хато бўлмайди.

Режиссёр О.Салимов спектаклнинг сахнавий шаклини баҳс-мунозара устига қўйиб ҳаракат қилади. Расом Н.Глубокина асар руҳиятидан келиб чиқиб, сахна дискотека майдони кўринишида жиҳозлайди. Саҳнанинг турли нуқталарига ўрнатилган овоз кучайтиргичлардан замонавий кўшиқлар янграб туради. Юқорида эса бар ўрин олган бўлиб, унда турли ичимлик ва шарбатлар муҳайё. Ёшлар поп, рок, данс ва ҳоказо ўйинларни ижро этиб, кўнгилхушлик қилишмоқда, эгнидаги либослари ҳам шунга монанд. Асосий воқеалар айнан дискотекада, тенгдош дўстларнинг мулоқоти, фикрлари асосида кечиб, сахнавий баён қизиқарли, жўшқин руҳиятда ривожланиб боради.

Спектаклнинг бош қаҳрамони Ойбек (У.Рустамов) мушакл дунёқарашга эга бўлган, ҳаётга ўз нигоҳи билан қарай оладиган илгор ёшлардан бири. У ҳузур-ҳаловатга осон йўллар билан эришишни, ҳаёти паст-баландликларсиз, бир меъёрга давом этишини хоҳламайди. Шу сабабли келажақда борар манзили тайин бўлса-да, ота-онаси, яқинларининг ҳимоясидан воз кечиб, нурли истиқболни ўз қўли билан қуришга бел боғлаган.

Ойбек режаларини дўстларига ҳам маълум қилиш учун уларни дискотекага таклиф қилади. Мусиқа ва рақс авжига чиққан бир қошонада ёшларнинг характери, мақсаду муддаолари ойдинлашади. Ойбек тантанавор оҳангда дўстларига режасини маълум қилади. У мушакл бўлмоқчи. Эртаиндин коллежни битириб, ўз саъй-ҳаракатлари эвазига Қарши шаҳрининг беқ марказида ёшлар хордиқ чиқариши учун мўлжалланган маданият маскани ташкил қилмоқчи. Тўғри, бир қарашда, Ойбекнинг бу мақсади замирида ёшларга хос шошма-шошарлик, баландпарвозликни кўришимиз мумкин. Бироқ воқеалар жараёнида шу нарса маълум бўладики, Ойбек узок ўйлаб, фикр-мулоҳаза юритган. "Ота-она фарзандига бир умр суянчиқ бўлиши керак" қабилидаги тушунчалар билан мураса қилмай, умумоқимдан ажралиб чиқиб, бошқа бир ўзига бурилмоқчи, қадимдан мавжуд фикрларни ўзгартирмоқчи. Унинг хитоби мантиқан олганда ўринли аслида: "Соппа-согман, каллам жойида, қўл-оёғим бутун, лекин ногиронга ўхшаб яшайман. Дадам пул беради, онам қўлтиқлайди, тоғам ўрнини топиб ўтказиб қўяди, холам жойлаштириб қўяди. Мана шу ногиронлик эмасми?" Назаримизда, бош қаҳрамоннинг ана шу сўзлари спектаклнинг бутун гоёвий мақсадини очиб-ча хизмат қилган.

Шу ўринда бош қаҳрамон образини талқин қилган ёш актёр У.Рустамов ижросига алоҳида тўхталиш лозим. Актёр Ойбекни шижоатли, ўз фикрига эга, ўрни келганда қизиқсон, аммо мақсадидан чекинмайдиган йигит

сифатида акс эттиради. Ташқи намойишкорликдан қочишга ҳаракат қилган актёр вазминлик ила, сукутлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Аммо дискотекадаги галаговур, ўйин-кулгилар Ойбек (У. Рустамов)нинг сўзларини ютиб юбораётгандек, дўстлари билан муносабатда баҳсга мойиллик, қатъийят етишмаётгандек туюлади. Бу кемтикликни тўлдириб учун актёр Ойбекнинг

ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА ТУФИЛАДИ

ўз олдига қўйган мақсадини тўла англаши, муаллиф матнидаги фикрий муносабатни тўлиқ ўзлаштириши лозим эди. Шунингдек, спектаклда Ойбекнинг синфдош дўстлари Сабоҳат, Санжар, Равшан, Феруза, Қундуз каби ёшлар иштирок этадики, уларнинг ҳам ўзига яраша ҳақиқати, ҳаёт ҳақида ўз ўлчовлари, қарашлари бор.

Масалан, Санжар (Б. Усмонов) исмли йигит ҳаддан ташқари ўзига бино қўйган, бадавлат оиланинг фарзанди бўлгани учунми, димоғдор, гўё бошқа тенгдошларидан ажралиб турувчи қаҳрамон. У тўқис, фаровон оилада улғайганим боис синфдошларим менга ҳасад қили-

Талқин ва таҳлил



"Дискотека" спектаклидан лавҳа.

шадди, деб ўйлайди. Дискотекада тенгқурларига қарата алам билан айтган куйидаги сўзлари ҳам бунга тасдиқлайди: "Мен қаерда ўқишимни, қандай қизга ўйланиб, қачон қайси "кресло"га ўтиришимни ҳам яхши билмаман. Шунинг учун менга ҳасад қиласанлар. Ҳа, ҳаммаси дадам тўфайли. Дадам қилиб беради ҳаммасини! Нима бўпти? Менда бор ўшанақа дада, сенларда эса йўқ!"

Санжар газаб қайнаган вақтда ҳатто баъзи бир яширин сирларни айтишдан ҳам уялмайди. Дискотека даврасида қизгин мунозара кечаётган бир паллада, у синфдоши Қундуз мактаб йиллари ўзига бир неча ишқий мактублар ёзганини қўйиб, "Ҳаммасини саклаб қўйганман, хоҳласанг қайтариб беришим мумкин", дея тиржаёди. Шунда Қундуз алам билан йилгаб юборади. Дўстидан бу қадар паст-кашликни кутмаган Равшан унга ташланади. Орага Ойбек тушиб, қўтилмаганда Санжарга бир мушт туширади. Қундуз эса кўз ўнгига росмана тубан шахсга айланган Санжарни бир вақтлар севганини, унинг қадди-қомати, ўзини туттиши, кийинишига маҳлиё бўлиб, ишқий мактублар ёзганини тан олади. Бироқ ўзи хурмат қилган, қалбига яқин олган йигит отанинг бойликларидан сармат бўлиб, манман, такаббур, шафқатсиз махлуққа айланиб улгурганини кеч англаб этади.

Актёр Б.Усмонов Санжар образини ижро этишда асосан пиесада мавжуд манбага таянади. У томошбинлар назарида баҳс-мунозарага киришувчан, ҳақ бўлса-да, фикрий

устуликка интиладиган қаҳрамон сифатида акс этади. Б.Усмонов ўз ижроси билан спектакл воқеаларига кескинлик бағишлайди, мунозара кайфиятини кучайтиради. У тенгдошлари орасида яккаш ажралиб туришни, фикр ва тушунчалари уларникидан фарқ қилишини хоҳлайди.

Сабоҳат (З. Мухаммедова) — Ойбекнинг собиқ синфдоши, тиббиёт коллежи битирувчиси. У спектаклда бош қаҳрамон томонда ҳаракат қилувчи, уни ҳам руҳан, ҳам маънан қўллаб-қувватловчи, ҳаммаслақ, сирдош. Ойбек ақсар ҳолларда режаларини аввало Сабоҳатга ошқор қилади, унга ўзига ишонгандек ишонади. Қолаверса, икки ёш бир-бирига бефарқ эмас. Улар болаликдан бирга ўсиб-ўлғайишган, бир-бирларини яхши билишади. Шу боис катта ҳаёт оstonасига ҳам бирга қадам қўйишни мақсад қилишган. Демак, бош қаҳрамон ёлғиз эмас. Унинг ҳаётий фаолияти, турмуш йўлларида суянчиқ бўла оладиган ҳамрози, дилкаш дўсти бор. Табиийки, фақуллоддаги режалар, қўтилмаган қарор-хулосаларни рўёбга чиқариш учун бир кишининг хоҳиш-истаги камлик қилади. Боз устига даврадошларинг сени тушунмаса, орзуларингни қуруқ сафсата деб билишса, бундан оғирроғи йўқ. Шу тўфайли спектаклда Сабоҳат образи Ойбек учун ўзига хос таянч вазифасини ўтайди.

З.Мухаммедова қаҳрамонини нозиктабиат, вазмин ва ҳоқисор қиз сифатида талқин қилади. Ёш актрисанинг ижодий муваффақиятини инкор қилмаган ҳолда, айрим сахналарда образга бирқалама ёндашувга йўл қўйганини таъкидлаш лозим. Актрисада қўл қатламли ижро имкониятлари шакланмагани, бироз тажрибасизлиги сезилиб қолган. Ваҳоланки, пиесага қўра, Сабоҳатда қурашувчанлик, мардонаворлик фазилатлари бор.

Спектаклдаги қолган ижролар — Равшан (А. Сариков), Қундуз (Ш. Шохсўфи), Феруза (Д. Аромова), Шавкат (А. Қодиров), Дилбархон (Ш. Мансурова), Мастура (Ф. Умарова), Малоҳат (З. Қодирова) ҳақида ҳам ижодий фикрлар билдириш мумкин. Қувонарли жиҳати, спектаклда театрнинг тажрибали ва ёш актёрлари ўртасида яхши ижодий ҳамкорлик ўрнатишга келган. Бу эса ижодий жамоада ҳамжиҳатлик, бирдамлик руҳи мавжуд эканидан далолат беради.

Афсуски, спектаклда замонавий рақсларни сахналаштардан хореограф М.Искандарова ижодида эътирозли ҳолатлар кўп. Рақслар ҳаддан ташқари қўлайиб кетган, қолаверса, бу рақслар воқеалар ва қаҳрамонлар характери билан изчил уйғунлашиб кетмайди. Натихада спектаклнинг ижтимоий долзарблиги, гоёвий мақсади сустанлашиб, маиший тус олгандек, Шухрат Ризаев тағматларидаги нозик киноялар, қочиримлар қийқирик рақслар остида жарангламай, тўла юзага чиқмай қолгандек туюлади.

Спектакл қаҳрамони Ойбекнинг таклифи билан дискотекада уюштирилган мазкур учрашув ақсарият ёшларни кўзини каттароқ очишга, ўз хатти-ҳаракатларини ислоҳ қилишга, ҳаётга янги нигоҳ билан қарашга ундайди. Кечагина кимнингдир етиволида юрган ёш йигит-қизлар бирдан улғайиб қолгандек, тор тушунчалари кенгайиб, майда таассуротлари йириклашгандек бўлади. Энди улар қай томонга бошласангиз кетаверадиган ёшлар эмас, балки мушакл фикрли, онгли инсонларга айланишди. Шу маънода "Дискотека" спектакли ҳам ёшларни ўз йўлини ўзи белгилаб, Ватан манфаати йўлида камарбаста бўлишга чорлайдиган сахна асари сифатида қимматлидир.



Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ

ради. Фақат скрипка билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Хозир дирижёрликни ҳам жиддий ўрганаёман.

Нилуфар Мухиддинова саккиз йилдан буён профессор В.Н.Неймер синфидан дирижёрликдан сабоқ олмоқда. Турли концертлар ва тадбирларда дирижёр сифатида ҳам ўз иқтидорини намоён эта болади. У хозир лицейнинг 10 босқичида таълим олиш билан бирга М.Зайко ташкил этган "Квартет" ансамбллада скрипкачилик қилмоқда. Унинг тенгдошлари — халқаро танловлар совриндорлари Нодира Дадамухамедова (Фортепиано), Мухиддин Сайфидинов (скрипка), Жамшид Саидқаримов (виолончель) бу жамоанинг маҳоратли ижорчиларидир. "Квартет" республика вилоятлари бўйлаб концерт дастурларини намойиш этиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлмоқда.

Ансамблнинг моҳир ёш скрипкачиси Нилуфар Мухиддинованинг орзулари бир олам. У ўзининг сеҳрли ози билан кўнглиларни ром этиб, янада улкан эътирофларга сазовор бўлиши, шубҳасиз.



Дилноза АСАНОВА

БОЛАЛАР ДУНЁСИГА ЙЎЛ

Компьютер, интернет каби замонавий алоқа воситалари ёшлар ҳаётига шиддат билан кириб келаётир. Ҳар бир ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани каби юксак технологияларнинг оммаланиши ҳам бундан мустасно эмас. Негаки, ана шундай техник воситалар ёшларнинг дунёқарашини ўзгартириб юбориши жуда осон. Бунинг кино санъатининг мураккаб турларидан бири бўлиши анимацион филмлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Албатта, кичик ёшли томошбин учун турли кўрсатув, ахборот дастурларидан кўра мултфилмларни томоша қилиш қизиқарлироқ. Бунинг инобатга олган тажрибали мултпликадорлар, биринчи навбатда, филмларнинг тарбиявий жиҳатига, миллий қадрият ва аъналар устуворлигига эътибор қаратади. Юксак технологиялар ривожланган даврда болалар турли мамлакатларда яратилган профессионал мултфилмларни томоша қилиб, уларни солиштириш имконига эга. Бир қарашда бу ижобий ҳолат бўлиб кўринса-да, аслида мазкур мултфилмларнинг ҳаммаси ҳам болалар маънавиятини тўғри шакллантиришга хизмат қилмайди.

Тадқиқотларга қараганда, бола мултфилм кўраётганда дастлабки йигирма сонияда шаклга эътибор беради, кейин эса мазмунини қабул қилади. Шунинг учун мухтаassisлар мултфилм яратишда нафақат мазмунга, балки томошбинни жалб қилиш учун мукамал шаклга ҳам эътибор қаратиши керак. Кино соҳасида юқори натижаларга эришган Америка, Англия, Франция, Россия, Япония каби мамлакатларда компьютер графикаси асосида яратилаётган мултфилмлар муваффақиятининг сирини ҳам шунда. Ушбу санъат асарлари ёш болалар учун мўлжалланган 15-20 дақиқалик мавзулар билан чекланиб қолмай, бир ярим соатлик, мураккаб сюжетли филмлар кўринишини олиб улгурган.

Истиқлол йилларида кино санъатининг барча турлари қатори мултпликация соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Бунинг ўзбек аниматорлари халқаро майдонда қўлга киритган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бироқ анимацион филмлар ишлаш жараёнида замонавий технологияларни жалб этишга доир ижодий изланишлар ҳали яқини етгани йўқ. Шу сабабли миллий мултфилмларимизнинг ақсарияти ханузгача хоризқ картиналари билан рақобатлаша олмаяпти.

"3D" кўринишидаги дастлабки тажрибалардан бири "Тандир нон" мултфилми кўпчилик мухлисига яхши таниш. Е.Палехова режиссёрлигида суратга олинган бу асарда ўзаро аҳиллик, ака-ука ўртасидаги меҳроқибат ва ростгўйлик каби фазилатлар улғулган.

Тандирдан эндигина узилган иссиқ ноннинг ёқимли, димоғни қитқилувчи иси Хасан ва Хусанинг иштаҳасини очиб юборади. Нонуштагача сабрлари чидамай, нонлардан бирини оналаридан сўроқсиз олиб, қўй бўйига келишади. Энди улар нонни қандай тақсимлаш устида тортишиб қолишади. Пайтдан фойдаланган олақарга ака-уканинг нонини олиб ўчади. Бироқ қарганин хурсандчилиги узокқа чўзилмайди. У тумшугидаги нонни айёр тулқига олдириб қўяди. Тулқининг ўлжасига айиқ боласи эга чиқади. Охир-оқибат катта айиқ моҳоратини ҳал этиб, уларнинг барчасига танбех беради, қилган ишлари яхши эмаслигини уқтиради.

Картина замонавий технологиялар асосида яратилган бўлсада, воқеалар динамикаси, қаҳрамонлар ҳаракати суст ишланган. "Тандир нон" мултфилминини кўриш давомида тезкорликка ўрганган болада бетоқлик, зеркиш пайдо бўлади. Шунинг учун мавзу ва гоёни сақлаган ҳолда воқеалар тезлигини ошириш ва асар ечимини янада қизиқарлироқ ҳал этиш лозим эди. Чунки, қаҳрамонлар гапирётганда ёки ўз қилмишларидан уялиб ўз сўраганида юз ифодаларида сезиларли ўзгариш содир бўлмайди. Аслида, болаларга тушунарлироқ бўлиши учун бундай ҳолатлар янада бўрттириб кўрсатилиши лозим. "Тандир нон"да айнан мана шу жиҳатлар эътибордан четда қолган.

Мултфилмда муҳит, яъни табиат, ўзбекона ҳовли, ёниб турган тандир жуда қиройли тасвирланган. Эрта тонгда чиқаётган қуёш, ариқлардаги зилол сувнинг шилдирашини эшитиб беихтиёр ўша муҳитга тушиб қолгингиз келади. Зеро, уч ўлчамли услубнинг бошқа услублардан афзаллиги ҳам мана шунда. Бунда томошбинни муҳитга олиб кириш кучи устунлик қилади. Бироқ "Тандир нон"да қаҳрамонлар мажбуран ҳаракатланаётгани сезилмайди. Улар филм давомида фақат югурди ва сўхбат қуради.

"Ўзбекино" миллий агентлиги бююртмасига асосан таниқли мултпликадор Мавзур Махмудов томонидан суратга олинган "Самовий меҳмон" анимацион филми ҳам диққатга сазовор. Мултфилмдаги муҳитни яратишда энг кичик деталларга эътибор қаратилган. Аммо қаҳрамонларнинг, айниқса, икки ёш боланинг юз ифодаларида самовий жисмини кўргандаги ҳайрат

ва ҳаяжон акс этмай қолган. Яна бир ўринда олимлардан бири гапирётганда, унинг лаблари ҳаракатланмайди. Шунинг учун мулоқот давомида қаҳрамонлардан қайси бири гапирётгани аниқланмайди. Филмга киритилган икки ёш бола фақатгина кекса буваларининг ақулловчи хулосаларини тингловчи хизмат қилган. Шунга қарамай, ўзбек аниматорлари



"Тандир нон" мултфилмидан лавҳа.

учун илк тажрибалардан бири бўлган ушбу мултфилм "Тандир нон" асаридан анча муваффақиятли чиққан, дейиш мумкин.

Албатта, "3D" кўринишида юксак савияда ишланган картиналар ҳам мавжуд. Улар орасида кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган "Сохибжамол кўйроч" картинаси эътирофга лойиқ. Филмда ўзини ҳам-

Кино ва замон

мадан қиройли, сохибжамол деб билувчи, устига устак, эрқалиги ва тантиқлиги оқибатида дўстларидан ажралиб қолган кўйрочнинг бошидан кечирган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. У дўст тутишини истайдиги, аммо ўзини ҳаммадан устун деб билгани учун дўстлигининг маъсувиятидан қочади. Танҳоликда қиналиб қолган сохибжамол кўйроч охир-оқибат дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрини тушуниб этади. Филмда шунингдек, ўзбек миллий кўйрочларининг афзалликлари ва ижобий хусусиятлари кўрсатиб берилгани ҳам мақтовга лойиқ.

Одатда "сохибжамол" сўзини эшитганимизда, кўз ўнгимизда, ниҳоятда гўзал ва ташқи кўринишидан бенуқсон қаҳрамон гавдаланади. Айниқса, фарбда ишланган "3D" кўринишидаги мултфилмларда бундай қизлар образи болаларнинг дунёқарашига тўғри келмайдиган, ташқи гўзалликка ортиқча зеб берилган тарзда яратилмоқда. "Сохибжамол кўйроч" филмининг бош қаҳрамони, ақинча, ўзбекона миллий либос кийган бўлиб, халқ эртақларидаги қаҳрамонларни эслатади. "3D" технологиялари қўллангани сабаб мултфилм кадрлари ёрқинлик ва тиниқлик касб этган. Филмда, асосан, табиат манзараларидан фойдаланилган. Муҳитни акс эттиришда танланган ёрқин ранглар, гўзал миллий либослар болажонларни эртаклар оламига етаклайди. Аммо қаҳрамондаги ёш қизалоққа хос характер яна бироз бўрттирилиши лозим эди.

Жаҳон кино санъатида уч ўлчамли филмлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай филмлар дастлаб томошбинларни киноасар иштирокчисига айлантирган бўлса, кейинчалик у ердаги ҳолатни ҳис қилиш, муҳитни англаш имконини ҳам яратди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, бугун томошбинлар томонидан аниқлиқ сифатида қабул қилаётган компьютер графикаси асосидаги филмлар ҳам "аънавий" номини олиши мумкин. Бунинг учун янги технологиялар орқали яратилаётган асарларда халқимизнинг ўзига хос маданияти, аънавалари тарғиб қилиниши керак. Зеро, ўзбек халқининг қадимдан тарқиб топган, хозир ҳам кенг амал қилинадиган аънавалари бор. Масалан, кексаларга хурмат, қариндош-уруғ, махалла-қўйга оқибатли бўлиш, эл-юртга садоқат, ҳашар, меҳмондўстлик, нонни эъзозлаш каби қадриятлар ҳар қандай анимацион филм учун мавзу бўлиши мумкин. Афсуски, бундай асарлар яратиш мураккаб бўлгани тўфайли йил давомида бир ёки икки дона "3D" услубидалар ишланмоқда, холос.

Шу ўринда кўйроч мултфилмига йўқолиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидламоқчимиз. Болаларни бугун фақат чизма компьютер филмлари билан экран қаршида муҳим ушлаб туриш мумкин. Болалар хозир замонавий технологияларни афзал кўриши табиий ҳол. Демак, ўзбек мултпликадорлари замон ва томошбин талабидан келиб чиққан ҳолда энг сўнги технологиялардан фойдаланиб, миллий ва умумбаъраий қадриятларимизни тарғиб этувчи асарларни кўпроқ яратишлари зарур.

Сарвиноз ПАРМОНОВА

ЯХШИ ҚЎШИҚ – КЎНГИЛ ОЗИҒИ

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида эстрада санъатининг ёш авлод маънавиятига таъсирини алоҳида таъкидлаган: «Агар инсоннинг гулони енгил-елли, тунгариқ оҳанглarga ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиний диди, мусиқа маданияти пасайиб кетши, маънавий оламни сохта тушунчалар эгаллаб олинши ҳеч гап эмас».

Пойтахтимизда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Ҳайдаров, Ўзбекистон бас-такорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари М.Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий мусиқа санъатини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ёшлар тарбиясини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси-

Таабир

ни мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида янги мусиқа масканлари барпо этилиб, реконструкция қилинмоқда ва замонавий мусиқа асбоблари билан жиҳозланмоқда. Ёш истеъдод эгаларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, жонли ижро аудиториясини кенгайтиришга хизмат қиладиган қатор лойиҳа ва фестиваллар ўтказилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этаётган миллий эстрада санъатини миллий кадрларимиз асосида шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса, аввало, санъат олами вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Айрим ёш ижрочилар томонидан жамоатчиликка тақдим этилаётган маъносиз ва гализ жумла-

лар, турли тиллардаги сўзларни қоритириб ёки атай бузиб айтиш, саҳна ҳаракатлари ва либосларида «оммавий маданият» кўри-нишларига тақлид қилиш ҳоллари кузатилмоқда. Савиясиз қўшиқлар, маъносиз матлар ва ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган видеоклиплар учрамоқда.

Давра суҳбатида санъат ва миллий маънавият ривожига салбий таъсир кўрсатадиган бу каби ҳолатлар асосан ижрочилардаги фикрсизлик ва профессионал маҳоратнинг етишмаслиги туфайли пайдо бўлаётгани таъкидланди. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун барча ижодий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш даркор. Зеро, савиясиз қўшиқларга қарши фақат бадий жиҳатдан юксак талаблар асосида яратилган мусиқий асарлар салмоғини ошириш билангина курашиш мумкин.

Тадбирда халқимиз истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлар, миллий кадрларимиз ва замон талабларига мос, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган бадий жиҳатдан етук куй-қўшиқлар яратиш ва уларнинг тарихий эҳтиборида фикр-лашилди.

У.ЁҚУБОВ, Ўза муҳбири



Ёш мусаввир Чарос Пайзиевнинг «Камолитдин Бехзод ва унинг авлодлари» композициясидан лавҳа.

ҒАРОЙИБ ТАҚДИРЛАР

Лорд БАЙРОН

Байрон ўта таъсирчан ва эҳтиросли бўлган. У ҳис-туйғуларини жамлай олмагани сабаб телбалик касалига дучор бўлган. Буюк шоир тўладан келган, оқсоқланиб юрадиган, аммо жуда эҳтиросли ижодкор бўлган. Баъзи манбаларга қўра, Венецияда бир йил давомида яшаган чоғида икки юздан зиёд аёлга муҳаббат изҳор қилишга улгурган.

Чарльз ДИККЕНС

Одамларни гипноз қилиш Диккенсинг сеvimли машғулотли бўлган. У ўзининг гипнозга оид қобилияти ва машғулотларини хотинида синаб, уни уйқусизлик касалидан даволашга ҳаракат қилади. Таниқли ёзувчи ҳамиша шимолга қараб ухлаш ва ёзишни одат қилган.

Лев ТОЛСТОЙ

Лев Толстой умр йўлдоши София Берс билан турмуш қураб экан, тўйининг биринчи кунидеяк ўз кундалигини хотини қўлига тутқазади. Турмуш қуришидан илгари бўлиб ўтган ишқий муносабатларини хотинидан яширмаслик учун шундай қилади.

Франц КАФКА

Франц Кафка бир мунча муддат суғурта компаниясида қотиб вазирасида ишлаган. Ҳаётда у оддий, шу билан бирга омадсиз ҳам бўлган. Умри давомида бир неча ҳижолатлар чоп эттиришга улгурди, аммо улар адибга шўҳрат келтирмаган. Вафотидан олдин дўсти Макс Бродга барча қўлёзмаларини йўқ қилиб юборишни васият қилади. Аммо Макс аксинча қўлёзмаларини нашрга беради. Шу тариқа Кафка вафотидан сўнг машҳур ёзувчи сифатида танилади.

Агата КРИСТИ

Агата Кристи биринчи жаҳон уруши даврида ҳарбий госпиталда ҳамшира бўлган. Орадан бир қанча вақт ўтиб, дорихонада ишлади. Кристи ҳар қандай заҳарни бир қарашдаёқ ажрата олган. Негаки, унинг детектив асарларидаги қўллаб жинойтчилар заҳардан фойдаланиб қотиллик содир этишган. Агата Кристи қўли билан ёза олмайдиган дисграфия касалига дучор бўлгани боис асарларини айтиб ёздирган.

БИЛАСИЗМИ?

Юлий Цезарнинг имзоси 2 миллион долларга тенг, аммо ҳанузгача имзонинг намунаси топилмаган.

Элизабетта I нинг ҳукмронлиги даврида эркакларга соқол қўйгани учун солиқ солинган.

Икки маротаба Нобел мукофоти совриндори Мария Кюри аёл бўлганлиги боис нуфузли Франция академиyasi аъзолигига қабул қилинмаган.

Италиянинг миллий байроғи Наполеон Бонапарт томонидан лойиҳаланган.

Моцарт ҳеч қачон мактабга бормаган.

Уинстон Черчилль аёллар хонасида туғилган.

Эрнест Винсент Райтнинг "Gadsby" номли романи 50 минг сўздан ортққ бўлиб, улардан биронтаси "Е" ҳарфи билан бошланмайди.

Чарльз Осборн исмли кишини 69 йил мобайнида ҳижоқч тутган, вожаб!

Виржиния Вулф барча асарларини тик турган ҳолатда ёзган.

Пикассонинг тўлиқ исм-шарифи Пабло Диего Хосе Франсиско де Паула Хуан Непомусено Мария де лос Ремедиос Сиприано де-ла-Сантисима Тринидад Руис Пикассо бўлган.

Эйнштейн тўққиз ёшга тўлгунга қадар раво гапиролмаган.

Инглиз тилидан Умида МАҲМУДОВА таржимаси.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди «Ўзбекистон» нашриёти директорининг биринчи ўринбосари, моҳир таржимон

Шоҳруҳдин МАНСУРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Маҳсума Аҳмедовага онаси

СУҲУБАР аянинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат музейи жамоаси музей экскурсия бўлими мудири Лола Исамухамедовага отаси

Саиджон ИСАМУҲАМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги ва "Обод турмуш йили" муносабати билан театр саҳналарида замонамиз қаҳрамони образини яратиш бўйича драматик асарлар танловини эълон қилади.

Муаллифлар томонидан тақдим этилган асарларда:

— мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, тинчлик, осейишталик ҳамда бунёдкорлик соҳасида амалга оширилаётган эзу ишлар;

— турли соҳаларда меҳнат қилаётган замондошларимизнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг мамлакатимизни янада обод ва фаровон қилиш борасида олиб бораётган фидокорона фаолияти;

— ёшларга ибрат бўладиган, уларнинг ҳар томонлама қиёматини бўлиб воёга етишлари ҳамда онгида ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларининг мустаҳкам қарор топишига хизмат қилувчи ҳаётий воқеалар;

— халқимизнинг бағрикенглиги, бунёдкорлик ҳислатлари, ота-она, устоз-шогирд ва фарзандларга бўлган меҳр-оқибат аъналарига содиқлик фазилатларини ўзида мужассам этган замонавий қаҳрамонлар тасвирланган бўлиши талаб этилади.

Тақдим қилинадиган асарлар ўзбек тилида, 3 нусхада, компютерда А-4 шаклда, 1,5 ораликда кўчариладган бўлиши ҳамда ҳажми 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Асарлар 2013 йил 1 августга қадар ташкилий қўмитага топширилиши керак.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида аниқланади ва тақдирланади.

Энг яхши асарлар мамлакатимизнинг театрларида саҳналаштирилади.

Асарлар ташкилий қўмита жойлашган қўидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси 51-уй "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тел: 233-44-08, 233-47-26

Ташкилий қўмита.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тасаввур қилинган, Нодирбекдан ташқари, ғолиблик учун жами 136 нафар тенгдоши мусобақага киришганди. Уларнинг ҳар бири ўз мамлакатининг энг билимдон ўғил-қизлари эди. Нодирбек ҳажонга берилмади, фикрини жамлади. Аввалига Европа чемпиони, болгариялик С.Стояновани мот қилди. Кейин бирма-бир: Осиё чемпионати совриндори эронлик М.Пойя, россиялик Д.Цой, украиналик М.Горшков, финляндиялик П.Аалто, америкалик Э.Ванг, англиялик А.Верма, хитойлик Ю.Янг ва мўғуллик У.Батаргал очқосиз қолдирилди. Фақатгина туркиялик Узумчи Утку ва малайзиялик Ли Лик Занга қарши кечган партиаларда дуранг кайд этилди. Асосийси, юртдошимиз 11 учрашунинг бирор-тасида ҳам мағлубиятга учрамади.

Нодирбекнинг ўзи канчалик муҳим, тарихий ғалабани қўлга киритганини балки ўша тобда тўла англамагандир. Ҳа, ўн еттинчи жаҳон чемпиони, мамлакатимизнинг буюк шахматчиси Рустам Қосимжонов

дирбекнинг ўз устида кўп ва хўп ишлади учун сабаб бўлган... Турмуш ўртоғи ҳарбий хизмат юзасидан ўйда кам бўлиши, ўзининг эса уй юмушларидан ортиб, болалар тарбияси билан шуғулланишга вақти чеклангани боис Марзия опа ўйлаб-ўйлаб ўзига ажойиб "ёрдамчи" топди. Бу шахмат эди! Чиндан ҳам болалар бир зумда шахматга қизиқиб қолди. Она тўнчиқ ўғли ва киз қўлга киритаётган ютуқлардан қувониб, Нодирбекни ҳам "Вундеркинд" тўрага раҳбари, тажри-

зия Очилова эса ўйда болалар тарбияси билан машғул. Нодирбекдан ташқари, унинг онаси Баҳора ҳам шахматчи. У ҳам бир неча йиллардан буён мунтазам равишда "ақл гимнастикаси" бўйича билимларини ошириб, бир қанча мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган. Нодирбек асосидан кўп нарсаларни ўрганди. Унинг жаҳон чемпиони бўлишида Баҳоранинг ҳам ҳиссаси бор, ахир, унинг ақлли юришлари, кескин зарбалари Но-

совриндори эронлик М.Пойя, россиялик Д.Цой, украиналик М.Горшков, финляндиялик П.Аалто, америкалик Э.Ванг, англиялик А.Верма, хитойлик Ю.Янг ва мўғуллик У.Батаргал очқосиз қолдирилди. Фақатгина туркиялик Узумчи Утку ва малайзиялик Ли Лик Занга қарши кечган партиаларда дуранг кайд этилди. Асосийси, юртдошимиз 11 учрашунинг бирор-тасида ҳам мағлубиятга учрамади.

Нодирбекнинг ўзи канчалик муҳим, тарихий ғалабани қўлга киритганини балки ўша тобда тўла англамагандир. Ҳа, ўн еттинчи жаҳон чемпиони, мамлакатимизнинг буюк шахматчиси Рустам Қосимжонов

дирбекнинг ўз устида кўп ва хўп ишлади учун сабаб бўлган...

Турмуш ўртоғи ҳарбий хизмат юзасидан ўйда кам бўлиши, ўзининг эса уй юмушларидан ортиб, болалар тарбияси билан шуғулланишга вақти чеклангани боис Марзия опа ўйлаб-ўйлаб ўзига ажойиб "ёрдамчи" топди. Бу шахмат эди! Чиндан ҳам болалар бир зумда шахматга қизиқиб қолди. Она тўнчиқ ўғли ва киз қўлга киритаётган ютуқлардан қувониб, Нодирбекни ҳам "Вундеркинд" тўрага раҳбари, тажри-

бия билан мураббий Равшан Шукуров қўлига берди. Қобилияти юзага чиқиб, Республика турнирларида, ички чемпионат ва кубок мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаётган болакай қисқа фурсат ичида терма жамоа мураббийларининг эътиборига тушди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ахир, у етти ёшдаёқ уч карра Ўзбекистон чемпиони эди-да!

Шу тариқа, Нодирбек халқаро мусобақаларда юртимиз шарофтини ҳимоя қилувчи энг ёш спортчиларимиздан бирига ай-

ланди. 2011 йили қаторасига икки бор Осиё чемпионати совриндори бўлди. Жумладан, мактаб ўқувчилари ўртасида кечган китъа биринчилигида олтин, ўсмирлар ўртасида ўтган мусобақаларда бронза медаллари билан тақдирланди. Шунингдек, у Санкт-Петербургда бўлиб ўтган халқаро турнирда тенгсизлигини исбот этди. Етти ёшли тенгқурлари ўртасида Ҳиндистонда кечган Осиё чемпионатида ҳам зафар қучди. Мазкур муваффақияти Нодирбекка Словенияда ўтажак жаҳон чемпионатида қатнашиш учун йўлланма берди. Марибор шаҳрида нималар содир бўлганини эса бугун дунё биланди!

Дарвоқе, у яқинда Ҳиндистонда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган VIII Осиё чемпионатида рапид(тезкор) баҳсларида 9 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида қумуш медални қўлга киритди. Нодирбек — жаҳонашта спортчи. У мусобақалар баҳонасида олам кезмоқда. Дунёни танимоқда, юртимизнинг жаҳонга янада кўпроқ машҳур бўлишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

...Марзия опа кечки овқат учун ёзилган дастурхонни йиғиштириб, идиш-товуқларни ювиб бўлиши билан телефони жиринглади. Қараса, Нодирбекнинг синф раҳбари Румия Сафиуллина экан. Она муаллима билан бироз суҳбатлашди. Айниқса, тажрибали ўқитувчининг: "Ўғлингиз Нодиржон ниҳоятда уқувли, бугун математикадан жуда яхши қатнашгани учун тўртта "5" қўйдим, мусобақалари туфайли қолдирган дарсларини тезда мустақил ўрганиб олаётганини синфдошларига ўрнак қилиб кўрсатаман. Шунинг учун сизга раҳмат айтмоқчи эдим", деган гаплари Марзия Очилованинг кўнглини тоғдек кўтарди. Ҳар бир ота-она фарзандининг ортидан яхши гап эшитишни истайди.

Марзия опа ўғлидан хабар олиш учун у шахмат ўйнайдиган хонага назар солди ва оналарга хос меҳр билан жилмайди. Саккиз ёшли чемпион столга бош қўйганча ширин уйқуга кетганди. Қўлида эса шахмат доналари орасида ўйинчоққа ўхшаш от "жиловланган"ди.

Марзия опа ўғлини охиста кўтариб жойига ётқизди, устини ёпиб, пешонасидан ўпаркан, пичирлади: "Ҳайрли тун, чемпион болам!".

Зоҳиджон ХОЛОВ



Владимир ГРАНКИН олган сурат



Зоҳиджон ХОЛОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Кабулхона — 233-52-91. Электрон манзилимиз: Котибият — 233-49-93. adabiyot@olam.uz

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топшириди — 21.18

ЖУМА КўНАРАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. ISSN 2381-614X. 9 772 181 614000